БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 154 (7601)
4 ИЮЛЬ СЕШАНБА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Совет кишилари Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш ҳақидаги Мурожаатига ғоят баланд руҳ ва зўр уюшқоқлик блан қўл қўймоқдалар.

Яшасин совет халқининг ва бутун тараққийпарвар инсониятнинг доно йўлбошчиси ва устози, тинчликнинг улуғ байроқдори ўртоқ Сталин!

Ғаллакорларимизнинг шарафли бурчи

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «1950 йилда ҳосилни йиғиштириб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тўғрисида»ги қарори партия ва совет ташкилотларининг, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларининг, барча қишлоқ меҳнаткашларининг социалистик деҳқончилик ва чорвачиликнинг янги муваффақиятлари учун, колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш учун курашда большевикча иш программасини белгилаб берди.

Партия ва ҳукумат бу қарорда ғалла ҳосилини нобуд қилмасдан қисқа муддатда йиғиштириб олиш, давлат ғалла тайёрлаш планини муваффақиятли бажаришни энг асосий вазифа қилиб қўйдилар. Қарорда партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш органларининг энг муҳим вазифаси «...колхозлар, МТС ва совхозлардаги барча воситаларни ўрим-йиғим ишларига ўз вақтида тайёрлаб қўйишдан, ҳосилни нобуд қилмай муваффақиятли йиғиштириб олишдан ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планини бажаришдан иборат» деб та'кидланади.

Республикамизнинг колхоз ва совхоз далаларида ғалла ҳосили пишиб етилиб, ўрим-йиғим ишларини кенг қизитиб юборадиган пайт келди. Деҳқончиликда ўрим-йиғим ишлари, айниқса хирмон кўтариш даври энг мас'улиятли давр ҳисобланади. Бу даврда ғаллакорларимиз йил бўйи қилган меҳнатларининг самарасини қўлга киритадилар, колхозларимиз давлат олдидаги асосий бурчларини — ғалла тайёрлаш мажбуриятларини бажарадилар, колхозчиларимизнинг меҳнат кунларига кўплаб ғалла тақсимлаб берадилар. Демак ўрим-йиғим ва ғалла тайёрлаш кампанияси мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда, халқимизнинг фаровонлигини яна ҳам оширишда жуда катта хўжалик ва сиёсий аҳамиятга эгадир.

Ғалла ўрим-йиғими ва ғалла тайёрлаш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш органларимизнинг бу муҳим сиёсий ишни большевикча уюштиришларига, оммани бу иш атрофига тўла сафарбар қилишларига, СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарорида белгиланган тадбирларни изчиллик блан амалга оширишларига боғлиқдир.

Бу йил колхоз ва совхоз далаларида ғалла ҳосили эрта етилди. Аммо, уни ўриб-йиғиб олиш, янчиш ва давлатга дон топшириш йўл қўйиб бўлмаслик даражада суст бораётир. 1 июльгача республика колхозларида ғалла ҳосилининг фақат 17,2 процентини ўриб олинган ва 10,3 процентини янчилган холос. Асосий ғаллакор Самарқанд, Тошкент ва Сурхондар'ё областьларида бу иш жуда ҳам кечиктирилмоқда. Ғаллакор МТС ва колхозлар бу йил ҳарқачонгидан ҳам кўпроқ ўриш машиналарига эга бўлишларига қарамай, республикамизда комбайнлар блан ғалла ўриш плани энди 17,0 процент бажарилган.

Бунинг асосий сабаби шундаки, кўпгина колхоз ва совхоз раҳбарлари ва айрим партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари ғалла пишиши блан уни тездан ўриб-йиғиб олишга астойдил киришмайдилар. Шунинг натижасида республикамизда ҳар йили ўрим-йиғим ишлари ва давлатга ғалла топшириш то кеч кузгача чўзилиб кетади. Самарқанд областининг асосий ғаллакор Каттақўрғон районидаги колхозларнинг далаларида бу йил ғалла эрта етилди. Лекин район партия комитети ва унинг секретари ўртоқ Багиров, район ижроия комитети ва унинг раиси ўртоқ Қобулов ғалла ўриш, янчиш ва давлатга дон топшириш ишига етарли раҳбарлик қилмай, давлат аҳамиятига эга бўлган бу муҳим ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйганлар. Райондаги колхозларда, МТСларда бўлган барча куч ва имкониятлар ўрим-йиғимга сафарбар қилинмаган. Шунинг натижасида ўрим-йиғим юасидан тузилган график кун сайин бажарилмасдан қолиб келмоқда. Июнь ойининг 25 куни учун тузилган график атиги 41 процент бажарилган. Умумий экин майдонининг фақат 13 процент ердаги ғалла ўриб олинган. Қашқадар'ё областининг Чироқчи районида ғалла ўрим-йиғимининг бошланганига бир ойча бўлди. Бу давр ичида ғалланинг талай қисмини ўриб олиш мумкин эди. Аммо, энди 15 процентга етар-етмас ердаги ғалла ўрилди ва жуда оз миқдорда янчилди. Тошкент областининг Ҳовос районида ҳам ғалла ўрим-йиғими ниҳояда суст бормоқда. Чунки, район қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири ўртоқ Ҳакимов, агрономи ўртоқ Назимов машина блан ғалла ўришни 50 кунда бажаришни мўлжаллаб план тузганлар. Ҳолбуки, районнинг колхоз ва МТСларидаги ўрим-йиғим машиналари ва бошқа воситалар ғаллани анча қисқа муддатда ўриб-йиғиб олиш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам бу райондаги колхозларнинг раҳбарлари ўрим-йиғим сур'атини кучайтиришга шошилмаётирлар.

Область ва район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари ўртоқ Сталининг **«Ўрим-йиғим мавсумий иш, уни кечиктириш ярамайди, вақтида ўриб-йиғиб олсанг ютасан, кечиксанг ютқизасан»** деган кўрсатмасини доимо эсда тутишлари керак. Ғалла ўрим-йиғими қанча кечиктирилса, даладаги ҳосил шунча кўп нобуд бўлади. Чунки, ғалла пишиб етилгандан кейин кун қизигида қовжираб, ўришда, ташишда бошоқлари тўкилади.

Бундай аҳволларга йўл қўймаслик учун колхоз ва МТСлардаги барча ўрим-йиғим машиналаридан ва бу ишга ажратилган ишчи кучлари ва от-уловлардан тўла ва унумли фойдаланиш зарур. Ғаллакор МТСлар бу йил кучли комбайнлар блан та'минландилар. Лекин ғалла ўрим-йиғимида ҳал қилучи роль ўйнайдиган бу машиналар тўла ишга солинмаётир. Ўрим-йиғимнинг қизғин кунлари келишига қарамасдан республика МТСларидаги комбайнларнинг ҳали учдан бир қисмидан кўпроғи ремонтдан чиқарилмаган. Далада ишлаётган комбайнларнинг иш унуми ҳам жуда паст. Қашқадар'ё область Бешкент районидаги Куйбишев номли колхозда хизмат қилаётган комбайнчи ўртоқ Хусанов 4 кунда атиги 10 гектар ердаги ғаллани ўрган. Комбайнлардан бундай ёмон фойдаланишга даҳол хотима бериш керак.

Ғалла ўрим-йиғимини шундай ташкил қилиш керакки, ўриш блан янчиш, янчиш блан давлатга дон топшириш ўртасида ҳеч қандай узилиш бўлишига йўл қўйилмасин. Ҳарбир колхоз, совхоз давлатга кунига ғалла топшириб турсин.

Маҳаллий партия, совет ташкилотлари ғалла ўрим-йиғими ва давлатга дон топшириш сур'атини тезлатиш учун МТС, колхоз ва совхозлардаги барча моддий-техника воситаларини тўла ишга солишлари, ҳарбир комбайнчи, лобогрейкачи ва барча ўроқчиларнинг кундалик ўриш нормаларини тўла ва ошириб бажаришларини та'мин этишлари керак. Ўрилган ғалланинг далада тўпланиб қолишига, хирмонларга келтирилган ғалланинг янчилишини кечиктиришга ва шунинг орқасида ҳосилнинг нобуд бўлишига қарши қаттиқ кураш олиб бориш керак. Ғаллани ўриш, ташиш, янчиш вақтларида уни тўкиб, чочиб нобуд қилиш ҳалқ олдида ва давлат олдида жиноят эканини кишиларга кенг тушунтириш лозим.

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари шу кунларда Стакгольм Мурожаатига якдиллик блан қўл қўйиб, халқларнинг тинчлиги, озодлиги ва мустақиллиги учун курашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шу блан бирга мамлакатимизнинг қудратини ошириш учун ишлабчиқариш соҳасида янгидан-янги мажбуриятлар олмоқдалар. Ғаллакорларимизнинг энг муҳим ватанпарварлик бурчи — тинчлик учун, мамлакатимизнинг қуч, қудратини янада ошириш учун ҳормай-толмай фидокорона меҳнат қилишдан, ғалла ўрим-йиғимини ҳартарафлама қучайтириб, давлат ғалла тайёрлаш планини муддатидан олдин бажариш учун курашишдан иборатдир.

Партия ташкилотлари бу курашга бошчилик қилишлари, ғаллакорлар ўртасида Ўзбекистон ССР Олий Совети Сессияси шарафига давлат ғалла тайёрлаш планини муддатдан олдин бажариш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб юборишлари керак.

И. В. Сталиннинг «Тилшуносликдаги марксизм ҳақида» номли брошюраси украин ва қирғиз тилларида нашр этилди

КИЕВ, 1 июль. (ТАСС). Украина ССР сиёсий адабиёт нашриёти ўртоқ И. В. Сталиннинг «Тилшуносликдаги марксизм ҳақида» сарлавҳали мақоласини украин тилида алоҳида брошюра қилиб босиб чиқарди.

Брошюранинг тиражи 200 минг нусха.

☆

ФРУНЗЕ, 1 июль. (ТАСС). Қирғизистон Давлат нашриёти ўртоқ И. В. Сталиннинг 1950 йил 20 июньда «Правда» газетасида босилган «Тилшуносликдаги марксизм ҳақида» сарлавҳали мақоласини алоҳида брошюра қилиб босиб чиқарди.

Брошюра рус ва қирғиз тилларида нашр этилган.

Август ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда

Фарғона область, Каганович район торфкомбинатининг коллективи СССР Олий Советининг Баёнотини якдиллик блан ма'куллаб бу тарихий ҳужжатга жавобан меҳнат унумини анча оширдилар ва июль ойи планини бажариб, шу кунларда август ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Комбинат коллективи республика саноат ходимлари кенгашининг мурожаатига жавобан, йиллик планни муддатидан олдин бажариш мажбуриятини олди.

В. ВОҲИДОВ.

Совет халқининг қудратли овози

☆

Совет халқининг иродаси мустаҳкам

ТБИЛИСИ, 1 июль. (ТАСС). Гудок чалингандан сўнг ишчилар Сталин номидаги Тбилиси паровоз ремонт заводининг йиғув цехига тўпландилар. Паровозчилар завод партия комитетининг секретари Г. Гегешидзенинг Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитети Мурожаатина имзо тўплана бошлаганлиги ҳақидаги ахборотини зўр э'тибор блан тингладилар.

Қозончи И. Мачаидзе минбарга чиқади.

— Бугун, — дейди у,—совет кишилари атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги мурожаатда баён этилган оддий сўзлар остига ўз номларини ёзиб қўл қўймоқдалар. Совет кишисининг сўзи, бу тарихий ҳужжат остига қўяётган унинг имзоси уруш оловини ёқучиларга қарши жиддий ғов бўлади. Бу жиноятчиларнинг янги мудҳиш кирдикорларини амалга оширишларига йўл қўймаймиз!

Слесарь Г. Датуашвили сўз олади.

— Совет кишилари атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги мурожаатга ўз номларини ёзиш блан бирга, — дейди у,—улуғ она-Ватанга, тинчлик ишининг қудратли таянчига чексиз муҳаббатларини изҳор қиладилар. Атом бомбаси блан тинчликни барбод этишга уринаётган америка империалистлари муқаррар ҳалок бўладилар.

Бу ерга тўпланган кишилар тинчлик ишининг байроқдори — улуғ Сталин номига табрик телеграммаси қабул қилганларида бутун цехда гулдурос қарсаклар янграйди.

Ишчи ва хизматчилар Мурожаатга қўл қўйишга киришадилар. Слесарь Д. Амиранашвили, донгдор темирчи К. Илуридзелар ўз имзоларини биринчи бўлиб қўядилар.

Коммунизм кучлари енгилмасдир

ФАРҒОНА, (ЎзТАГ). Фарғона ёғ комбинатининг юзларча ишчилари митингга тўпландилар. Завод партия комитетининг секретари ўртоқ Г. А. Родченко Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитети Стокгольм Мурожаатини ва тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети пленуми резолюциясини ўқиб эшитдирди.

Фрезерчи коммунист И. И. Жабокжицкий минбарга чиқади:

— Биз урушни хоҳламаймиз, лекин империалистларнинг учинчи жаҳон урушни бошлашга урунаётганликларини доим кузатиб борамиз. Стахановча меҳнат қилиб, тинчлик посбони СССРни мустаҳкамлаш — тинчлик ишини ҳимоя қилишнинг энг яхши йўлидир. Социализм мамлакати қанчалик кучли бўлса, тинчлик тарафдорлари шунчалик кучли бўлади. Биз, совет кишилари, атом бомбасини тақиқлашни қаттиқ талаб қиламиз.

Завод ишчиси ўртоқ Н. Тожибоев минбарга чиқиб, бундай деди:

— Мен Стокгольм Мурожаатига қувона-қувона қўл қўяман. Биз тинчликни истаймиз, лекин ҳаддидан ошаётган агрессорлар шуни эсда тутсинларки, бизнинг сулҳпарварлигимиз кучсизлигимизни асло кўрсатмайди. Куч-қудратимиз ҳақадар ўсганлигини яққол кўрсатади. Пландан ташқари маҳсулот ишлабчиқариш блан Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаймиз.

Комбинат хотин-қизларининг топшириғига биноан совун цехининг бошлиғи, ВКП(б) а'зоси ўртоқ К. А. Дмитриева сўзга чиқади:

— Гитлерчи боскинчилар халқимиз бошига қандай оғир қулфатлар келтирганлигини биз ҳеч қачон унутмаймиз, совет кишиларининг тўкилган қони ва кўз ёшини ҳеч қачон унутмаймиз. Ҳозир бир тўда империалистлар ҳалокатга маҳкум этилган капитализмни қутқазиш ниятида яна уруш чиқармоқчи бўладилар. Коммунизм кучлари енгилмасдир, бутун илғор тараққийпарвар инсоният коммунизм сари олға бормоқда. Совет хотин-қизлари атом қуролининг тақиқланишини талаб этмоқдалар!

Яшасин тинчликнинг улуғ байроқдори ўртоқ Сталин (Гулдурос қарсаклар).

Митинг қатнашчилари комбинатнинг барча ишчиларини ва оила а'золарини Стокгольм Мурожаатига қўл қўйишга чақирдилар.

☆

Қурия ишига ажнабийларнинг аралашувига йўл қўймаймиз

Москвадаги электрлампа заводининг мингларча ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари 1 июльда якдиллик блан:

— Куриядан қўлингни торт! — дедилар.

Заводнинг каттакан йиғув цехида митинг бўлиб ўтди. Митингга ўз ҳаётида энди меҳнат қилишга киришган ёш ишчилар ва жонажон мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлаш учун кўп йиллик умрининг талайгина қисмини фидокорона меҳнат блан ўтказган кекса ишчилар тўпландилар. Бу ерда уруш кунларида ўзларининг энг яқин кишилари — фарзанд ва эрларини йўқотган аёлларни, Совет Армияси сафларида хизмат қилиб, шонли ғалаба йўлини босиб ўтган Улуғ Ватан уруши иштирокчиларини учратасиз.

Ҳамманинг тилида бир фикр ифода этилади: Жаҳонда тинчлик ўрнатилсин! Янги уруш оловини ёқучиларга ла'натлар бўлсин!

Митингни завод партия комитетининг секретари В. Марсов очади.

Цех бошлиғи В. Сиркова биринчи бўлиб сўзга чиқади. У, урушда бошига катта қулфат тушган совет аёлларидан биридир. Бу оддий рус аёли уруш вақтида ўз эридан жудо бўлди.

— Қурия халқи ўз бошидан қандай кечирмаларни ўтказаётганлигини ва қандай қулфатларга дучор бўлаётганлигини биз кўриб турибмиз. Биз шаҳар ва қишлоқларнинг бомбардимон қилинган, ўт қўйиб ёндириб юборилган, ўққа тутилган кунларни, фашист жаллодлар тинч аҳолини ўлдирган чоқларни ҳали унутганимиз йўқ,—дейди ўртоқ Сиркова. — Биз ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган қурия халқига хайрихоҳмиз.

Биз тинч яшаётган қурия халқининг бомбардимон қилинишига даҳол хотима берилишини талаб этамиз. Биз Куриядa Америка томонидан қилинаётган агрессив ҳаракатларга даҳол чек қўйилишини талаб қиламиз.

Ўртоқ Сиркова Америка Қўшма Штатлари, Англия ва бошқа мамлакатларнинг хотин-қизларига, бутун прогрессив инсоният вакилларига мурожаат қилиб, уларни америка империалистларининг иғвогарлик ишларига қарши қат'иян норозилик билдиришга, Куриядан Америка Қўшма Штатлари қуролли кучларининг даҳол чақириб олинишини талаб этишга чақиради.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси техник Ю. Бавринга сўз берилади. Ю. Баврин бундай дейди:

— Қуриянинг тақдирини ҳал қилиш — қурия халқининг ўз ишидир. Жаҳоннинг сулҳпарвар халқлари америкаликларнинг Куриядан кетишини талаб этади.

19 ёшли монтажчи-комсомол қиз Н. Мичурина ва ишчи аёллардан З. Лабутина ҳам сўзга чиқиб митинг қатнашчиларини уруш оловини ёқучи америкаликларга қарши норозилик билдиришга ва сулҳпарвар қурия халқини ҳимоя қилишга чақирдилар.

Электр заводчилар якдиллик блан резолюция қабул қилдилар. Резолюцияда бундай дейилади:

— Биз Англия-Америка тажовузкорларининг Қурия ишига ҳарбий қуроллар блан аралашувига даҳол барҳам берилишини талаб қиламиз. Куриядан қўлингни торт! Қурия халқи ўз тақдирини ўзи белгилаши керак.

Биз халқлар ўртасида тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши учун, бутун жаҳонда тинчликнинг мустаҳкам посбони бўлмиш социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлаш учун янада зўр активлик блан кураш олиб борамиз.

Митинг қатнашчилари узоқ давом этган гулдурос қарсаклар остида меҳнаткаш инсониятнинг улуғ доҳиси, тинчлик байроқдори ўртоқ И. В. Сталинга табрик мактуби қабул қилдилар.

Биз тинчлик учун овоз берамиз

Бизнинг колхозимиз а'золари Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг Мурожаатини ва СССР Олий Совети сессиясининг бу ҳақдаги Баёнотини Ватанимиздаги барча ҳалқлар блан бирга қизғин қутиб олди.

Ленин—Сталин партияси ва Совет ҳукумати Ватанимиз ҳалқларини бахтли, қувноқ ҳаётга эриштирдилар. Шаҳарларимизда қудратли саноатга эга бўлди, қишлоқларимиз таниб бўлмаслик даражада гўзал, обод қилинди. Шу жумладан, бизнинг колхозимиз ҳам партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги орқасида юқори техника блан қуролланган, пахтадан мўл ҳосил етиштирадиган, тўқ, маданий, катта хўжаликка айланди, колхозимизнинг шуҳрати Бутун Иттифоққа тарқалди.

Бу йил бизнинг колхозимиз 520 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган. Шу кунларда ғўза бир текис гуллаб, қўсаклай бошлади. Биз колхозда 3-нчи культивация ва 3-нчи чопиқни тамомлаш олдида турибмиз, 250 гектар ерни 4-нчи культивациядан чиқариб қўйдик, 220 киши чопиқда бир ярим икки норма бажармоқда. Биз бу йил Ватанимизга ҳар йилгидан кўпроқ пахта етиштириб бериш учун курашмоқдамиз.

Биз жуда яхши биламизки, Англия-Америка империалистлари бизнинг тинч ҳаётимизни бузиш учун уринмоқдалар. Лекин улар янглишадилар. Тинчлик урушни енгади!

Улуғ Сталин қўлида тарбияланган совет халқи Ватан уруши фронтларида гитлерчи боскинчиларни ер блан яксон қилиб, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолди, бугина эмас, у Европа халқларини ҳам фашизм асоратидан озод қилди. Фашизмни тор-мор келтирган совет халқи уруш оловини ёқучи, агрессорларни жиловлаб қўяди.

Биз, Янгийўл районидаги Каганович номли колхоз а'золари улуғ Ватанимизнинг бахт-саодати, унинг янада қудратли бўлиши учун кучимизга-куч қўшиб ишлаймиз. Биз бутун совет халқи блан биржон-бир тан бўлиб, тинчликни сақлаш, атом қуролини тақиқлаш ҳақидаги Мурожаатга қўл қўямиз.

Ҳ. Турсунқулов — колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. **М. Ёқубов** — ҳосилот советининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, **А. Асанбоев** — 8-нчи бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, **Р. Йўлдошев** — 6-нчи бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, **У. Ҳамдамов** 4-нчи бригаданинг 1-нчи звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, **Қ. Мирзабоев** — 13-нчи бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, **Я. Отабоева** — 2-нчи бригаданинг 1-нчи звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, **О. Жалолов** — 5-нчи бригаданинг 1-нчи звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, **М. Ҳолбоев** — 12-нчи бригаданинг 1-нчи звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Болаларимизнинг бахт-саодати учун

Мен Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 72-нчи мактабда 27 йилдан бери ўқитучи бўлиб ишлайман. Неча юзлаб болаларни Совет Ватанимизга, жонажонимиз ўртоқ Сталинга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига ўз ҳиссамни қўшганлигим учун қувонаман. Бизнинг болаларимизга Совет давлати ва большевиклар партияси бахтли ёшлик берди, уларнинг ўқиши учун барча имкониятларни яратиб берди.

Мен болаларимизнинг бахт-саодатини сақлаб қолиш учун курашаман, СССР Олий Советининг Стакгольм Мурожаатига қўл қўйиш тўғрисидаги қарорига қўшиламан. Мен урушни истамайман. Атом қуролидан одамларни қириш учун фойдаланган ҳукумат ва унинг раҳбарларини ҳарбий жиноятчи деб ҳисоблайман. Болаларимизнинг келажак истиқболи учун тинчлик тарафдорларининг овозига қўшиламан.

Мар'ям СОДИҚОВА.

Бутун дун'ёда тинчлик учун

ҚАРШИ, (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаати ва унга имзо тўплаш ҳақидаги тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети пленумининг резолюцияси Қашқадар'ё меҳнаткашлари томонидан якдиллик блан ма'қулланмоқда. Шу муносабат блан областьнинг саноат корхоналари, муассасалари, МТС, колхоз ва совхозларида кўп киши қатнашган йиғилишлар бўлаётир.

Қарши шаҳридаги тикув-пойафзал фабрикасида бўлиб ўтган йиғилишда цех бошлиғи ўртоқ Пирназарова ишчиларнинг фикрини ифода қилиб бундай деди:

— СССР Олий Совети Стокгольм сессиясининг Мурожаатини қувватлаб Баёнот қабул қилди. Олий Советнинг бу Баёнотини чин кўнгилдан табриклаймиз. Ҳаммамиз бир кишидек бўлиб Мурожаатга қўл қўямиз.

Педагогика билим юртида бўлган йиғилишда ўқучи ўртоқ Муродиллаева бутун дун'ёда тинчлик тарафдорлари қатори тобора кучайиб бораётгани, кўп миллионли кишилар Стокгольм Мурожаатини ма'қуллаб, унга қўл қўяётганликларини айтди. У, биринчи бўлиб Мурожаатга қўл қўйди. Бундан кейин юзлаб ўқучилар бирин-кетин Мурожаатга қўл қўйдилар.

—Бизнинг Ватанимиз дейди «Октябрь 14 йиллиги» колхозининг раиси. ЎзССР Олий Советининг депутати ўртоқ Чўли Бегимқулов, — тинчлик байроғидир. Биз урушни хоҳламаймиз, уруш оловини ёқучиларга қарши курашни кучайтириб, қишлоқ хўжалик экинларидан, пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирамиз. Ватанимизнинг куч, қудратини янада ошириш учун зўр ғайрат блан ишлаймиз.

Қарши темир йўл станцияси, моторремонт заводи, шаҳар ҳунармандчилик артельлари ва бошқа корхона ҳамда колхозларда кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди. Ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар ва колхозчилар ўзларининг тинчликни ҳимоя этишга ҳаққ эканликларини намойиш қилиб, Стокгольм Мурожаатига якдиллик блан қўл қўйдилар.

БИЗГА ҚУВОНЧЛИ ТИНЧ ҲАЁТ ЯРАТИБ БЕРГАН УЛУҒ СТАЛИНГА МИНГ РАҲМАТ

УРГАНЧ, (ЎзТАГ). Хоразм областининг меҳнаткашлари СССР Олий Совети сессиясининг Баёнотини қизғин ма'қулламоқдалар, ленинча-сталинча доно тинчлик сиёсатни чин кўнгилларидан қувватламоқдалар.

Барча корхоналарда Стокгольм Мурожаати остига имзо тўплашга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу йиғилишлар меҳнаткашларнинг ма'навий-сиёсий бирлигини, Совет давлатига, большевиклар партиясига, тинчлик ишининг улуғ байроқдори ўртоқ Сталинга садоқатларини яққол кўрсатучи янги намойишга айланиб кетди.

«Қизил Октябрь» ёғ заводининг донгдор стахановчиси, темирчи ўртоқ Глухов бундай деди:

— Совет кишилари тинчлик йўлида ғоят катта иш олиб бормоқдалар. Севикли Ватанимизнинг куч ва қудратини ҳормай-толмай мустаҳкамлаш —бизнинг муқаддас бурчимиздир. Мен Стокгольм Мурожаатига қўл қўйиш блан бирге, янада яхшироқ меҳнат қилиш, кунлик нормани икки-икки ярим марта ошириб бажариш мажбуриятини оламан.

— Тинчлик учун кураш — болаларимизнинг бахт-саодати учун кураш демакдир, шунинг учун совет аёллари бутун жаҳондаги миллионларча аёлларнинг урушга қарши овозига ўз овозларини қўшадилар, — дейди заводнинг меҳнат — иш ҳақи бўлимининг бошлиғи ўртоқ Новикова. — Бизга қувончли тинч ҳаёт яратиб берганлиги учун жонажон Сталинга минг раҳмат. Биз оддий кишилар бошига яна уруш қулфати тушмаслиги учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

Ишчилар, хизматчилар, инженерлар бирин-кетин келиб, Стокгольм Мурожаати остига ўз имзоларини қўядилар.

Тикучилик фабрикасида йиғилиш баланд руҳ блан ўтди.

Бу ерда кийим-бош тикиш цехининг инструктори ўртоқ Калягина оташин нутқ сўзлади. У бундай деди:

— Қат'ият ва изчиллик блан тинчлик сиёсатини олиб бораётгани учун биз большевиклар партиясига, Совет ҳукуматига, жонажон ўртоқ Сталинга чин кўнглимиздан ташаккур изҳор қиламиз. Мен Стокгольм Мурожаати остига қувонч блан ўз имзомни қўяман. Шу блан бирга барча касбдошларимни ана шу тарихий ҳужжат остига ўз имзоларини қўйишга чақираман. Тинчлик тарафдорларининг кучи тобора ошмоқда ва улар агрессия кучлари устидан ғалаба қозонадилар, чунки тинчлик йўлида курашучиларнинг олдинги қаторида Совет Иттифоқи, улуғ Сталин турибди!

Фабрика коллективи Стокгольм Мурожаати остига якдиллик блан имзосини қўйди.

Хоразм педагогика институтининг студентлари ва ўқитучилари, пахта заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Стокгольм Мурожаати остига имзоларини қўйдилар.

Суратда: Ворошилов номидаги «Таш сельмаш» заводида стахановчи слесарь Турғун Толипов (чапдаги расм) Стокгольм Мурожаатига қўл қўймоқда. Ўнгда: Тошкент пассажир депосининг машинистлари (чапдан ўнгга) Н. Каримов, Н. В. Трофимов, Г. Ф. Сухарева ва Д. Мақсудов ўртоқлар Мурожаатга қўл қўймоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

Душманни тор-мор келтиришнинг тарихий плани

Бундан тўққиз йил муқаддам, 1941 йил 3 июльда, совет халқининг улуғ доҳиси Ўртоқ Сталин гитлерчилар Германияси Ватанимизга хиёнаткорона ҳужум қилганлиги муносабати блан Совет Иттифоқининг барча гражданларига радио орқали мурожаат қилди.

Ўртоқ Сталиннинг нутқи душманни тор-мор келтиришнинг ҳартомонлама пухта, жаҳоий плани бўлди, бу план—Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашнинггина плани бўлиб қолмай, шу блан бирга Европадаги барча халқларни герман фашизми зулмидан озод қилиш плани ҳам бўлди.

Ўртоқ Сталиннинг нутқи миллион-миллион оммани душманга қарши омонсиз курашга илҳомлантируви, сафарбар этуви жуда катта сиёсий ҳужжат бўлиб, айни вақтда марксча-ленинча назарияга қўшилган янги катта ҳиссадир.

Ўртоқ Сталин уруш ва сиёсатнинг бир-бири блан муносабати, адолатли ва адолатсиз урушлар ҳақидаги та'лимот юзасидан пролетариат революцион назарияси масалаларини янада ривожлантирди. Ўртоқ Сталин илғор совет ҳарбий фанини янада бойитди. Ишчи ва деҳқонлар социалистик давлатининг уруш даври вазиятидаги халқаро сиёсати масалаларини илмий асосда, мислсиз маҳорат блан ҳал этиб берди.

Ғарбий Европадаги «демократик» давлатлар деб аталучи давлатларнинг ҳукмрон доиралари гитлерчилар ҳарбий машинаси қаршисида шармандаларча таслим бўлган, фашистлар армиясининг енгилмаслиги ҳақидаги афсонани ҳартомонлама ошириб кўрсатган бир даврда Ўртоқ Сталин «енгилмас армиялар йўқлигини ва бўлмаганлигини» тўла исбот қилди.

Ўртоқ Сталиннинг бу хулосаси жаҳон тарихининг бутун тажрибасига суяланди. 1812 йилда француз босқинчиларига қарши олиб борилган Ватан урушида рус армиялари Напалеон армияларининг енгилмаслиги ҳақидаги афсонани қўкка совиридилар. Биринчи жаҳон империалистик уруши даврида фақат немис корчалон стратеглари эмас, балки ба'зи инглиз—француз—америка корчалон стратеглари ҳам Вильгельмнинг немис армияси енгилмас армиядир, деган эдилар. ҳақиқатда эса бу армия ҳам батамом тор-мор келтирилди. «Гитлернинг ҳозирги немис-фашист армиясининг тақдири ҳам ҳудди шундай бўлади дейиш керак, — деб кўрсатди Ўртоқ Сталин. — Бу армия Европа қит'асида ҳали жиддий қаршиликка учрагани йўқ. У фақат бизнинг еримиздагина жиддий қаршиликка дуч келди. Модомики, шу қаршиликка учраш натижасида немис-фашист армиясининг энг яхши дивизияларини Қизил Армиямиз тор-мор келтирган экан, демак, Гитлернинг фашист армияси ҳам Напалеон ва Вильгельм армиялари сингари тор-мор қилиниши мумкин ва тор-мор қилиниши турган гап».

Ма'лумки, воқиаларнинг бориши улуғ доҳининг гениал башоратини тўла тасдиқлади. Улуғ Сталин раҳбарлигидаги совет халқи гитлерчилар германияси ва унинг шериклари устидан тўла ғалаба қозонди ҳамда шундай қилиб, бутун инсониятни фашизм қуллигидан қутқариб қолди.

Енгилмас армиялар бўлиши мумкин эмаслиги, дун'ёнинг ҳуррият-парвар халқларини қул қилиш юзасидан агрессорлар тузган бема'ни планлар барбод бўлишга маҳкум этилганлиги тўғрисида Ўртоқ Сталиннинг ажойиб фикри жаҳонга ҳукмрон бўлишни да'во қилаётган барча империалистлар учун жиддий огоҳлантиришдир. Жаҳонга ҳукмрон бўлишдан иборат аҳмақона планларга маҳлиё бўлган Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари Гитлернинг ва Гитлерга ўхшаганларнинг тақдири қандай бўлганлигини эсга олишлари керак.

Ўртоқ Сталин 1941 йил 3 июльда халққа қилган тарихий мурожаатида совет кишиларини мамлакатимизга таҳдид қилиб турган хавфни чуқур тушуниб етишга чақирди.

Гитлерчилар Германияси СССРдаги социалистик миллатларга ўлим ва қуллик олиб келган эди, миллий маданият ва миллий давлатни тор-мор келтиришни мақсад қилиб қўйган эди, помещиклар ва капиталистлар ҳокимиятини тиклаш ҳамда совет кишиларини немис князьлари ва баронларининг қулларига айлантириш хавфини туғдирган эди. «Шундай қилиб, гап, совет давлатининг ҳаёт-мамоти тўғрисида, СССР халқларининг ҳаёт-мамоти тўғрисида бораётир. Совет Иттифоқи халқлари озодлигича қоладими, ёки қулликка тушадими — гап ана шу тўғрида бораётир» деди Ўртоқ Сталин. Совет Иттифоқининг гитлерчилар Германиясига қарши олиб борган уруши инсоният тарихидаги энг адолатли уруш эди, бу уруш социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган уруш эди, Октябрь социалистик революциясининг буюк ғалабаларини ҳимоя қилиш учун олиб борилган уруш эди, ҳақиқий демократия, халқлар дўстлиги ва социалистик меҳнат тантанаси учун олиб борилган уруш эди.

Фашистлар Германияси Совет Иттифоқига қутилмаган бир вақтда, хиёнаткорона ҳужум қилиб, вақтинча ба'зи ютуқларга эришди. Лекин фашистлар Германияси ўзини бутун дун'ё олдида қонхўр агрессор сифатида фош қилиб, сиёсий жиҳатдан ютқизди. «Шубҳа бўлиши мумкин эмаски, — деган эди Ўртоқ Сталин ўша вақтда, — Германиянинг бу ҳарбий ютуғи узоққа бормайдиган анчайин бир ютуқ бўлиб, СССРнинг жуда катта сиёсий ютуғи эса, жиддий ва узоқ давом этадиган омилдир. Қизил Армиянинг фашистлар Германиясига қарши урушда эришган қат'ий ҳарбий муваффақиятлари шу сиёсий ютуқ асосида ортаборишн керак».

Уруш ҳаракатларининг шундан кейинги борищи сталинча башоратни бутқул тасдиқлади. Урушнинг биринчи йили давомидаёқ Совет Армияси жиддий ғалабани қўлга киритди. Совет Армияси Москва ёнида немис-фашист қўшинларни тор-мор келтирди ҳамда иккинчи жаҳон урушида немисларни биринчи катта маглубиятга учратиб, герман армиясининг енгилмаслиги ҳақидаги афсонани кул қилиб қўкка совурди.

Агрессия сиёсати агрессорларнинг ўзларига қарши қаратилажаги ва уларни жаҳон афкор оммаси назарида бутунлай обрўсизлантиришлиги ҳақида Ўртоқ Сталиннинг фикри ҳозирги замон учун, империалистик лагерьнинг корчалонлари очиқдан-очиқ янги урушни тайёрлаётган ва ўз агрессив планларини амалга ошириш учун тескарича кучлардан ҳарқандай иттифоқлар тузаётган ҳозирги давр учун ҳам жуда катта принципиал аҳамиятга эгадир.

Америка империализми корчалонлари гитлерчилар ва япон империалистларининг жаҳонга ҳукмрон бўлишни мақсад қилиб олган планларидан ҳам ашаддийроқ, шу блан бирга таги бўшроқ планлар тузмоқдалар. Бироқ, америка империалистлари империализмга қарши лагерьнинг ўсиб бораётган кучи ҳамда уюшқоқлигини очиқдан-очиқ менсимаётирлар. Халқлар урушни истамайдилар ва урушга нафрат блан қарайдилар. Халқлар империалистик агрессорларнинг уларни даҳшатли жарликка судраб боришни орзу қилаётганликларини борган сари яхшироқ тушунмоқдалар. Бошқа ҳарқандай агрессорларнинг сиёсати қандай барбод бўлган бўлса, америкали уруш оловини ёқучиларнинг агрессив сиёсати ҳам шундай барбод бўлади.

Ўртоқ Сталин, герман фашизми устидан қозонилган ғалаба тарихий жиҳатдан муқаррар эканлигини исбот этди, гитлерчилар Германиясига қарши курашда совет халқи якка бўлиб қолмаслигини илмий асосда олдиндан кўрди, «.. Ватанимизнинг озодлиги учун, олиб бораётган урушимиз Европа ва америка халқларининг ўз мустақилликлари учун, демократик арконилклари учун олиб бораётган курашларига қўшилиб кетади», деб башорат қилди. Улуғ Сталин, айни вақтда ғалаба ўзи келмаслиги, балки уни ташкил этиб қўлга киритиш лозимлиги ҳақидаги ленинча қоидани принципиал равишда асослаб берди ҳамда уруш вақти шароитига мослаб уни янада ривожлантирди.

Ўртоқ Сталин душманни тор-мор келтиришни ташкил этишнинг аниқ планини чизиб берди ва бу планни илмий жиҳатдан асослади. У, совет кишиларини Ватанимизга таҳдид қилиб турган хавфни тўла тушуниб етишга ҳамда хотиржамлик ва бегамлик кайфиятларига, уруш вазияти учун ҳалокатли бўлган тинч қурилиш кайфиятларига барҳам беришга чақирди. Совет кишилари, деди Ўртоқ Сталин, ўзларини сафарбар этишлари, ўзларининг бутун ишларини янги, ҳарбий изга солиб олишлари, ҳамма нарсани фронт манфаатларига ва душманни тор-мор келтиришни уюштириш вазифаларига бўйсундиришлари керак. Совет кишиларининг сафларида, деб та'лим берди Ўртоқ Сталин, нолийдиганларга ва қўрқоқларга, ваҳима солучилар ва ҳочоқларга ўрин бўлмаслиги керак. Мардлик ва ботирлик, ғўзал Ватанимизнинг душманларига қарши, социализм душманларига қарши сўнгги томчи қонгача жанг қилишга тайёр туришлик — совет кишиларининг асосий фазилатлари бўлиши лозим.

Ўртоқ Сталин армияга ҳартомонлама ёрдамни уюштириш, армиянинг сафларини зўр бериб тўлдиришни та'минлаш масалаларига алоҳида аҳамият берди. У, совет кишиларини Қизил Армиянинг орқа томонини ҳартомонлама мустаҳкамлашга, барча корхоналарнинг зўр бериб ишлашини та'минлашга чақирди.

Фашистлар Германиясига қарши уруш фақат икки армия ўртасидаги урушгина бўлиб қолмай, балки бутун совет халқининг немис-фашист қўшиларга қарши буюк уруши эканлигини кўрсатиб, Ўртоқ Сталин Совет халқини душманнинг орқа томонида партизан отрядлари тузишга чақирди. Ўртоқ Сталиннинг кўрсатмалари асосида иш олиб борган большевиклар партияси гитлерчилар босиб олган ерларда жуда кўп партизан отрядлари тузди, бу отрядлар душманга роят катта зарар етказди ҳамда душманнинг кўп кучларини банд қилиб турди.

Большевиклар партияси ва унинг доҳиси олиб борган буюк ташкилотчилик иши туфайли бутун мамлакат, бутун халқ душманга қарши курашга қўзғалди. Миллион-миллион совет ватанпарварлари Совет Армиясининг қаторларини тўлдириб, социалистик Ватан ҳимоясига-мардона қўзғолдилар. Москва ва Ленинградда ҳамда душманнинг ҳужум қилиш хавфи таҳдид солиб турган шаҳарларда меҳнаткашлар халқ лашкарларининг полклари ва дивизияларини тузадилар.

СССРнинг халқ хўжалиги жуда қисқа муддат ичида ҳарбий изга солиб олинди. Қаҳрамон совет халқи уруш даврининг қийин шароитларида Совет Армиясини душманни тор-мор келтириш учун зарур бўлган ҳамма нарса блан та'минлай олди.

Совет ижтимоий ва давлат тузумининг буюк афзалликлари, бу тузумнинг совет тузуми бўлмаган бошқа ҳарқандай тузумдан устунлиги улуғ Ватан урушли йилларида айниқса яққол кўринди. СССР халқларининг дўстлиги уруш ўти ичида янада мустаҳкамланди ва чиниқди. Ҳаётбахш, жўшқин совет ватанпарварлиги совет кишиларининг мамлакат ичкарисидаги меҳнат соҳасида эришган ажойиб ғалабаларининг ҳамда жангчиларимиз фронтларда қозонган сўлмас ғалабаларнинг манбаи бўлди.

Ўртоқ Сталиннинг гениал раҳбарлиги, Ленин—Сталин улуғ партиясининг жуда катта ташкилотчилик иши, совет халқининг мислсиз қаҳрамонлиги, Совет Иттифоқининг гитлерчилар Германияси ва унинг шериклари устидан оламшумул тарихий ғалаба қозонишини та'минлади. Биз блан иттифоқчи бўлган давлатлар иккинчи фронтни очишни роят чўзиб юборганликларига қарамай, Совет Иттифоқи шундай оламшумул тарихий ғалабага эришди. Ўртоқ Сталиннинг бевосита раҳбарлиги остида немислар Москва ёнида тор-мор келтирилди. Ўртоқ Сталиннинг доно раҳбарлиги остида совет қўшинлари немисларнинг 300 минг кишилик армиясини Сталинград районида қуршовга олдилар ва уни тор-мор келтирдилар, шундай қилиб, совет халқи урушнинг боришида бурилиш ясаган ҳамда энг катта урушлар тарихида мислсиз бўлган буюк ғалабага эришдилар. Сталиннинг ҳарбий генияси совет қўшинларини Курск ёнида бўлган машҳур жангда улуғ ғалабага олиб келди, танланган фашист дивизиялари шу ерда ўраб олиниб, янчиб ташланди. Гениал сталинча раҳбарлик остида Совет Армияси 1944 йилда немис қўшинларига ўн марта кетма-кет қақшатғич зарбалар берди. Мана шу зарбалар натижасида гитлерчилар армияси Совет Иттифоқининг чегараларидан қувиб чиқарилди ҳамда уруш ҳаракатлари душман территориясига ўтказилди.

Совет қўшинлари Ўртоқ Сталиннинг буйруғини бажариб, 1945 йил 2 майда Берлинни ишғол қилдилар ҳамда гитлерчилар Германиясини таслим бўлишга мажбур этдилар. Сталинча раҳбарлик туфайли, сталинча доно стратегия ва тактика туфайли Совет Армияси Ватанимизнинг шон-шарафи ва мустақиллигини ҳимоя қилибгина қолмай, шу блан бирга Европа халқларини ҳам фашизм ваҳшатидан қутқардилар.

«Урушнинг оғир йилларида Қизил Армияни ва совет халқини Совет Иттифоқининг доно ва синалган йўлбошчиси — улуғ Сталин олға бошлаб борғанлиги бизнинг бахтимиздир. Армиямизнинг шонли ғалабалари мамлакатимизнинг тарихига ва жаҳон тарихига Генералиссимус Сталининг номи блан ёзилажак» (В. М. Молотов).

Совет халқининг оламшумул тарихий ғалабаси Марказий ва Шарқи-Жанубий Европа мамлакатларининг халқларига фашизм қуллигидан озод бўлиш ва социалистик тараққиёт йўлига кириб олишда ёрдам берди. Хитой Халқ Республикасининг ва Германия демократик республикасининг тузилиши реакция кучларига берилган янги зарба бўлди.

Шундай қилиб, иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро кучлар нисбатида жиддий ўзгаришлар юз берди. Тинчлик учун курашда СССР энди якка эмас, Совет Иттифоқи янги уруш оловини ёқучиларга қарши, реакция қора кучларига қарши курашда тинчлик ва демократия ишини ҳимоя қилаётган тинчлик тарафдорларининг қудратли халқаро демократик лагерига бошчилик қилмоқда. Тинчлик тарафдорларининг кучи қўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Бутун дун'ёдаги юз миллионлаб меҳнаткашлар Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш ва агрессия ҳамда одамларни кўплаб қиришга хизмат қиладиган бу қуролни биринчи бўлиб ишлатучи ҳукуматни ҳарбий жиноятчи деб э'лон қилиш ҳақидаги мурожаатини якдиллик блан қувватламоқдаларки, бу нарса тинчлик тарафдорларининг кучи ўсаётганлиги ва мустаҳкамланаётганлигини кўрсатади. Совет кишиларининг тинчликка бўлган якдил интилишини ифодалаб, СССР Олий Совети Доимий Комитетининг таклифларига хайрихоҳ эканлигини билдирди.

СССР меҳнаткашлари Совет давлатининг сулҳпарвар сиёсатини қизғин қувватламоқдалар ва Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитети Стокгольм сессиясининг Мурожаатига якдиллик блан қўл қўймоқдалар.

СССР халқлари большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида, Ўртоқ Сталиннинг доно етакчилигида урушдан кейинги даврда халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш планини ошириб бажармоқдалар, коммунистик қурилиш сталинча планини муваффақиятли равишда амала оширмоқдалар. Дун'ёнинг барча мамлакатларидаги юз миллионлаб кишилар Ўртоқ Сталининг номини дилга жо қилиб, тинчлик учун, демократия учун, социализм учун изчиллик блан астойдил курашмоқдалар.

Профессор М. БАСКИН.

Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли Ўзбекистон сабзавот-картошка тажриба станцияси селекция бўлимининг старший илмий ходими Т. Н. Дудко пиёз, карам, редиска, лавлаги ва қовунинг юқори ҳосилли янги нав'ларини етиштириш юзасидан илмий ишлар олиб бормоқда. **Суратда:** Ўртоқ **Т. Н. Дудко** янги нав' пиёзларни кўздан кечирмоқда.

В. Лейн фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Сталин фарзандлари

(Ўнинчини олтин медаль блан тугатган ёшларга)

Ўнинчи синфни а'ло тугатиб,
Олтин медаль олдинг қаҳрамон, укам.
Сталин даврининг фарзандларига
Қанча қўшиқ ёзсам арзирлик, кўркам.

Бугун тонгда туриб қалбингиздек
шўх,
Кичик ше'р ёздим сизларга атаб.
Ҳали бағишлаган достонларим кўп,

Илм қояларин ўтингиз ҳатлаб.

Москва, Ленинград илм қўрғонин
Она қучоғидек очиқ эшиги,
Мичурин, Улуғбек, Ломоносовдек,
Илм океанларин топингиз тагин.

Етуклик дипломин қўлга олдингиз,
Илм боғида сиз ҳали ёш ниҳол.
Океанлар қудратин, қуёш савлатин
Сизларда кўрамиз. Сиздадир иқбол.

Ҳали ер бағрига яширинган кон
Ўз сирин сизларга айтажак бир кун.
Сайёра оламин кўп муаммоси
Сизнинг қўлингизда топажак якун.

Сталин даврининг бахтли ёшлари,
Букуннинг эгаси, қаҳрамони сиз,
Сизнинг бахтингизни кўриб боболар
Ёшликларин эслаб дейдилар: эссиз.

Ўтирган табаррук оталар ғувоҳ
Бахт нима, билмаган сиздек ёшда.
Олтин медаль олиш қаёқда эди,
Булутдек ғам ётар эди бошида.

Жаҳонда сиз каби бахтли авлод йўқ,
Арасту илми бор ҳар бирингизда.
Ленин та'лимоти сут каби сингган,
Сталин камари бор белингизда.

Оталар, оналар қалбида севинч,
Ингит, қизлар топган шу Ватанда
бахт.
Ма'рифат, бахт берган азиз муал-
лим —
Улуғ Сталинга ташаккур, раҳмат!

Халқ, Ватан умиди сизлардан катта,
Камтарин, ҳар ишда бардам бўлингиз!
Улуғ коммунизм гулбоғларининг
Қуручи, соҳиби сизлар ўзингиз.

Бугун тонгда туриб қалбингиздек
шўх,
Кичик ше'р ёздим сизларга атаб.
Сизга бағишлаган достонларим кўп,
Илм чўққиларин ўтингиз ҳатлаб!

ШУКРУЛЛО.

Америка аэропланларининг Германия территориясига колорадо қўнғизлари ташлакганликлари тўғрисида Совет Ҳукуматининг Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматига нотаси

20 июньда ССР Иттифоқи Ҳукумати Германия Демократик республикаси Муваққат Ҳукуматидан нота олди. Бу нотада Америка аэропланларининг Германия Демократик республикаси территориясига картошка экинларининг хавфли зарарли ҳашорати бўлган колорадо қўнғизларини кўп миқдорда ташлаганликлари билдирилди. Нотага Германия Демократик республикаси Ҳукумати томонидан тузилган Фавқулодда Комиссиянинг доклади илова қилинган. Бу комиссия томонидан ўтказилган текшириш Америка аэропланларининг колорадо қўнғизлари ташлаганликларини тасдиқлади.

Шу муносабат блан 30 июньда ССР Ташқи Ишлар Министрлиги Америка Қўшма Штатларининг Москвадаги Элчихонаси орқали Совет Ҳукуматининг Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматига ёзилган қуйидаги нотасини юборди:

«Америка аэропланларининг шу йил 22 майдан то 7 июньгача мавжуд учиш қоидаларини бузиб, Германия демократик республикасининг Цвиккау, Глаухау, Плауэн, Эльсниц, Ауэ, Хагенов, Людвигслюст, Пархим, Шверин, Шенеберг, Эйзенах, Гюстров, Кведлинбург, Росток, Альтенбург, Гота районлари ва бошқа районларига картошка экинларининг хавфли зарарли ҳашороти бўлган колорадо қўнғизларини кўп миқдорда ташлаганликлари тўғрисида Совет Ҳукумати Германия Демократик республикаси Ҳукуматидан ма'лумот олди.

Совет Ҳукумати Германия Демократик республикаси Ҳукуматининг мазкур ма'лумот блан биргаликда Германия Демократик республикаси Фавқулодда Ҳукумат Комиссиясининг докладини ҳам олди. Бу доклад колорадо қўнғизларининг пухта тайёрланган план асосида катта территорияга ташланганлигини ҳамда герман халқининг озиқ-овқат та'минотига зарар етказиш, шунингдек колорадо қўнғизларининг Германия Демократик республикаси блан чегарадош мамлакатлардаги картошка экилган далаларга тарқалиш хавфини туғдириш мақсади кузатилганлигини тасдиқлайди.

Америка аэропланларининг Германия Демократик республикаси территориясига колорадо қўнғизлари ташлаганликлари тўғрисида Фавқулодда Ҳукумат Комиссияси томонидан аниқланган жуда кўп фактлар бу ишнинг атайлаб қилинганлигини ва бинобарин жиноий иш эканлигини кўрсатиб туради.

ССР Ҳукумати Германиядаги америка оккупациячи ма'мурларининг анз шу ишларига Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматининг э'тиборини жалб этиш блан бирга, айбдорларни мас'улиятга тортишни талаб қилади ҳамда Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати келгусида шундай ҳодисаларнинг такрорланмаслиги учун тегишли чораларни кўради деб кутади.

Юқорида баён қилинганларга кўра, Совет Ҳукумати Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматининг кўрган чоралари тўғрисида ма'лумот беришини кутади.

Америка аэропланларининг Германия Демократик республикаси территориясига колорадо қўнғизларини ташлаганликлари муносабати блан Фавқулодда Ҳукумат комиссияси ўтказган текширишларнинг натижалари тўғрисида шу Комиссия томонидан ёзилган доклад илова қилинади». (ТАСС).

Совет — Польша иқтисодий муносабатларига доир

Польша Республикасининг иқтисодий масалалар юзасидан тузилган ва Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Г. Минц жаноблари бошчилигидаги Ҳукумат Делегацияси шу йил 22 июньда Москвага келган эди. Делегация составида Польша республикасининг Ташқи савдо министри Т. Гедэ жаноблари ва бирқанча экспертлар бор эди.

Бўлиб ўтган музокаралар натижасида ҳар иккала Томон шундай фикрга келдики, ўзаро бир-бирларига мол етказиб бериш ва ССР Иттифоқидан Польшага саноат ускуналари етказиб бериш тўғрисида 1948 йил 26 январьда имзоланган узоқ муддатли иқтисодий Битимларнинг муваффақиятли бажарилиши ҳар иккала мамлакат ўртасидаги мол оборотини янада кенгайтириш имконияти борлигини кўрсатди.

Иккала Томон икки мамлакатнинг халқ хўжалиги планлари асосида ўзаро иқтисодий муносабатларни янада кучайтиришга интилиб, 1951 ва 1952 йилларда СССР блан Польша ўртасидаги мол обороти ҳажмини кўпайтириш тўғрисида шу йил 29 июньда Протокол, 1953—1958 йиллар даврида ўзаро мол етказиб бериш тўғрисида Битим ҳамда 1951—1958 йилларда Польшага қарз тарқасида саноат ускуналари етказиб бериш тўғрисида Битим имзоладилар.

Етказиб берилган саноат ускуналари ҳақининг бир қисмини тўлаш учун Совет Иттифоқи Польша Республикасига 400 миллион сўмгача бўлган миқдорда қарз беришга розн бўлди.

Ана шу тузилган Битимлар натижасида ССР Иттифоқи блан Польша ўртасидаги мол айрибошлаш анча кучаяди. 1951—1958 йилларга мўлжалланган ўртача йиллик мол обороти 1948—1950 йиллардаги ўртача йиллик мол оборотидан 60 процентдан ҳам кўпроқ ортади.

Польша республикасининг иқтисодий масалалар юзасидан тузилган Ҳукумат делегацияси шу йил 1 июльда Москвадан жўнаб кетди.

ХИТОЙНИНГ ТЕРРИТОРИАЛ БУТУНЛИГИНИ ВА СУВЕРЕНИТЕТИНИ ТЎЛА ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН

Хитой демократик партиялари ва Хитой компартияси Марказий группаларининг Мао Цзе-дунга ва комитетига юборган телеграммаси

ПЕКИН, 1 июль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Хитойдаги демократик партиялар ва группалар раис Мао Цзе-дунга ва Хитой коммунистлар партияси Марказий комитетига қуйидаги бирлашган телеграммани юбордилар.

«1 июль, — дейилади телеграммада.—Хитой Коммунистлар партияси тузилган кундир. Бу—Хитой тарихида ва бутун инсоният тарихида шонли тарихий кундир. Биз бугун Сизга ва Хитой Коммунистлар партиясига чин қалбдан самимий табрикларимизни йўллаймиз.

Сизнинг раҳбарлигингиз ва Хитой Коммунистлар партияси раҳбарлиги туфайли Хитойда империализмга қарши, феодализмга ва бюрократик капиталга қарши бошланган буюк халқ революцияси шунчалик порлоқ ғалабаларга эришди».

Сўнгра телеграммда бундай дейилади: «Биз қат'ий революцион кураш олиб бораётган шу кунларда америка империалистлари Тайванни озод этишимизга тўсқинлик, қилиш мақсадида Хитойга қарши қуролли агрессия учун ўзларининг 7-нчи флотини очиқдан-очиқ сафарбар қилдилар, улар шу блан хитой халқининг революцион курашига зарба бермоқчи бўладилар. Биз, хитой халқи, америка империализмининг адолат ва қонунларни паймол қилиб, тинчликни бузиб қилаётган бу хилдаги ўтакетган ҳаракатларига бир минут ҳам чидаб туроолмаймиз. Биз Хитой Коммунистлар партияси йиллиги кунида бутун дун'ёга баралла айтишни истаймизки, хитой халқи Сизнинг раҳбарлигингизни ва Хитой Коммунистлар партияси раҳбарлигини қаттиқ қўллаб-қувватлайди. Биз бир кишидек бўлиб бирлашамиз ва америка империалистларини ҳайдаш ҳамда Тайванни ҳамда Хитой халқига қарашли бошқа ҳамма территорияларни қайтариб олиш учун курашамиз».

Мустақил ўқучиларга ёрдам

Тошкент шаҳар партия кабинети большевизм назариясини мустақил ўрганаётган коммунистларга катта ёрдам бермоқда. Кейинги ойлар ичида партия кабинетида мустақил ўрганувчилар учун марксизм-ленинизм классикларининг асарлари ва фалсафага доир темаларда бир неча лекция ташкил этилди.

Шундай лекциялар «Таштекстильмаш», «Ташсельмаш», Ворошилов номли заводларда ва пойтахтимизнинг бошқа энг йирик корхоналарида ўтказилди.

Айниқса, Маркс ва Энгельснинг «Коммунистлар партияси манифести», Ленининг «Халқ дўстлари» кимлар ва улар социал-демократларга қарши қандай курашдилар», «Нима қилмоқ керак», «Бир қадам олга, икки қадам орқага», «Материализм ва эмпириокритицизм» ва Ўртоқ Сталининг «Диалектик ва тарихий материализм тўғрисида» деган асарлари ҳақидаги лекцияларни коммунистлар зўр қизиқиш блан тингладилар. Лекцияларни 6 мингга яқин киши тинглади.

Ш. АЙРОПЕТЯНЦ.

Аҳоли учун лекциялар

Хева шаҳар маданий-оқартув муассасалар бўлими қошидаги лекторлар бюроси шаҳардаги ишлабчиқариш корхоналари ва ташкилотларда ўтмишнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши кураш, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш, динининг келиб чиқиши ва унинг реакцион моҳияти темаларида меҳнаткашлар учун лекциялар ўтказмоқдалар. Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи область жамиятининг ҳақиқий а'зоси Ўртоқ Раҳмонов, район партия комитетининг пропагандисти Машаринов ва бошқа ўртоқлар пахта заводида, ёғ заводи, «Умид», «Учқун» артельлари, Педагогика билим юртида ва маҳалла аҳолиси ўртасида лекция ўқимоқдалар. Лекцияларни ҳаммаси бўлиб 1.500 дан ортиқ киши эшитди.

Д. АБДИРАҲИМОВА

Қорақалпоғистон савдо ташкилотлари харидорларнинг талабига муносиб ишламаётирлар

Қорақалпоғистоннинг шаҳар, район ва овулларида озиқ-овқат, саноат моллари, кийим-кечак ва бошқа эҳтиёж учун керакли бўлган нарсалар блан савдо қиладиган жуда кўп магазин, дўконлар ишламоқда. Шу йилнинг ўтган 5 ойи ичида район марказидан анча узоқда бўлган овулларда ва балиқ овланадиган жойларда яна бирнеча дўкон очилди. Маданий моллар блан савдо қилиш кейинги вақтларда анча кучайди.

Аммо республиканинг савдо ташкилотлари савдо-сотиқни ҳартарафлама ривожлантириш, аҳоли талаб этган моллари марказий шаҳарлардан келтириш ишига етарли э'тибор бермаётирлар. Айрим савдо ходимлари халқнинг ўсиб бораётган талабини қондиришда қоникарсиз ишламоқдалар, улар осонлик блан иш кўришга одатланганлар, ишда ташаббус кўрсатмайдилар.

Республика матлубот союзи ўтган йили ва шу йилнинг биринчи кварталида товар обороти планларини ошириб бажарди. Кооперация раҳбарларининг ишига процент нуқтаий назаридан қараб баҳо берганда, ҳамма иш жойидага ўхшаб кўринади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Матлубот союзи товар обороти планини молларнинг тури бўйича эмас, аксинча, пахта учун бериладиган ғалла ва бошқа шу каби айрим моллар ҳисобигагина бажарди. Меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари учун энг зарур бўлган моллар кам келтирилмоқда. Бу, юқори савдо ташкилотлари мол бермайди, деган гап эмас, албатта. Тўғриси, матлубот союзининг раҳбарлари енгил-елпи ишлаб, белгиланган жойлардан молларни келтиришга ўтакетган даражада бепарволик блан қарамоқдалар.

Ўтган йилги планга кўра, матлубот союзи харидорларга бирнеча ўн тонна макарон етказиб бериши керак эди. Ҳақиқатда эса, бир қисм макаронгина аранг келтирилди. Туз — Қорақалпоғистон учун муаммо нарса эмас. Республиканинг ўзида исталганча туз запаси бор. Лекин ана шу нарсани ҳам мўлқўл қилиш учун курашмаётирлар. Картошка, сабзавот, ҳархил қуруқ мева сотиш планлари ҳам бажарилмаётир. Атир ва совун нақадар кўплиги ҳаммага ма'лум. Шундай бўлгани ҳолда, матлубот союзи 5 миллион 382 минг сўмлик кир совун ўрнига 1 миллион 922 минг сўмлик, 1 миллион 100 минг сўмлик атир совун ўрнига 486 минг сўмлик атир совун сотди, холос. Тайёр кийим, трикотаж ва пойафзаллар ҳам кўплаб келтирилмади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, иккинчи кварталда республика учун жуда кўп ҳар турли моллар аллақачонлар ташиб олиниши ва харидорларга сотилиши керак эди. Матлубот союзи правлениеси раҳбарларининг э'тиборсизлиги ва бепарволиги натижасида, юборилган моллар ташиб олинмай, айрим жойларда кўп вақт туриб қолмоқда.

Республика матлубот союзининг раҳбарлари растратчи ва юлгичларга қарши кескин курашмаётирлар. Савдо шохобчаларига ярамас шахслар суқилиб кириб олиб, кооператив мулкига хиёнат қилмоқдалар. Тўртқўл район матлубот союзининг раиси Буронгулов совет савдоси принципларини бузди, растратчиларни ҳимоя қилди. Унинг ножўя ишлари республика матлубот союзи правлениесининг раиси Лачугин, унинг ўринбосари Авандадонц ўртоқларга ма'дум эди. Аммо Улар Буронгуловга енгил чора кўриб блан чегаралардилар. Раҳбарларнинг ҳуш'ёрсизлиги, бегамлиги шунга сабаб бўлдики, Буронгулов ва унинг шериклари давлатнинг 500 минг сўмлик мулкини талон-торож этдилар.

Қўнғирот район матлубот союзининг раиси Файзуллаев ҳам халқ ишончига лойиқ ишламаётир. Бу ерда кооператив мулкини талон-торож қилиш ҳоллари юз бермоқда. Дўкон мудирларидан Аким Ниёзова, Иванова, Салабоевалар бирнеча минг сўмлаб растрат қилганлар. Чимбой район прокурорининг ёрдамчиси Ўртоқ Алламбергенов матлубот союзининг бирнеча минг сўмлик молини талаган Қалимбетовдан ўзлаштирилган молларни қандайдир қайтариб олинганлигини баҳона қилиб, уни жавобгарликка тортмаган. Куйбишев, Қораўзак, Қипчоқ ва шу каби районларда ҳам кооперациянинг бирнеча ўн минг сўм маблаги айрим шахслар томонидан ўзлаштирилган.

«Қорақалпоқторг» республикасининг шаҳар меҳнаткашлари учун хизмат қилади. Бу ерда кадрларни танлашга бепарволик блан қараб келинмоқда. Натижада, анча сўмлик давлат маблағи талон-торож этилди. Биргина Нукус шаҳар умумий овқатланиш бўлимида растрат этилган маблағлар бирнеча минг сўмга етади. Бу аҳвол тасодифий кишиларни, уларнинг сохта ҳужжатларига ишониб, текширмай-нетмай ишга қабул қилиш натижасида юз берди.

Белгиланган планга мувофиқ, шаҳардаги чойхона ва ошхоналар кенгайтирилиши ва янгилари очилиши кўзда тутилган эди. Аммо бу иш ҳам қоникарсиз бажарилаётир. Ошхона ва ресторанларда қаттиқ тартиб ўрнатилмаган. Қорақалпоғистон АССР Савдо министри Қ. Жанабоев, «Қорақалпоқторг» директори А. Буронгулов ва область партия комитети савдо бўлимининг мудири Р. Абдуллаев ўртоқлар ана шундай жиддий нуқсонларни битириш учун тегишли чоралар кўрмаётирлар.

Савдо ходимлари аҳолининг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, ишлабчиқаришда тайёрланаётган моллари харидорларга ўз вақтида етказиб беришда ташкилотчи ва ташаббусчи бўлишлари, социалистик мулкни қўқўрачигидай сақлаб, мол обороти планларини барча мол турлари бўйича тўла ва ошириб бажариш учун курашишлари керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбири.

ИЮЛЬ ОЙИДА ҒЎЗАНИ ЯНА УЧ МАРТА ПАРВАРИШ ҚИЛАМИЗ

Колхозимизнинг а'золари республика пахтачилик илғорлари VI қурултойи қатнашчиларининг мурожаати асосида бу йил 400 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Колхозчиларимиз ана шу шарафли мажбуриятни тўла ва ошириб бажариш мақсадида эрта кўкламдан буён пахта далаларида ҳалол меҳнат қилмоқдалар. Чигит экишни ўтган йилга қараганда анча барвақт тугалладик. Агрономларнинг ва тажрибакорларнинг маслаҳати асосида еримизнинг шароитига мувофиқ ҳар гектарида ўрта ҳисоб блан 85—90 минг тупдан ғўза қолдирдик. Уя оралиғини 30-35 сантиметр қилиб, ҳарбир уяда 2—3 тупдан ғўза қўйдик. Ола чиққан ерларга қўшимча экиш ва кўчат қилиб ўтказиш йўли блан ҳамма еримизда ғўза тупларининг бир текис бўлишини та'минладик.

Шу кунларда ғўзани культивация қилиш, чопиш, суғориш ва ўғитлаш ишларини агротехника қоидаларига тўла амал қилган ҳолда юқори сифатли қилиб ўтказаётирмиз. Андижонлилар чақириғига жавобан ва СССР Олий Совети сессияси шарафига ўз устимизга олган мажбуриятни бажариб, ҳозир ҳамма ердаги ғўзани уч марта парвариш қилдик. Чопиқ ва культивация 17—18 сантиметр чуқурликда ўтказилмоқда. Бу эса ғўзамизнинг тез авж олиб, барвақт ҳосилга киришини та'минлади. Ғўзаларимиз текис шоналаб гуллай бошлади.

Биз бригада ва звеноларда ғўзани тўхтовсиз суғориш ва кетма-кет парвариш қилишнини та'минлаш мақсадида звеноларнинг участкаларини кўндалангига қараб ажратиб бергамиз. Бир участка суғорилган вақтда колхозчилар бошқа участкада ишлайдилар. Бу эса ғўзани узлуксиз парвариш қилишга имкон беради. Бизда ғўза парвариши шундай ташкил қилинганки, культиваторчилар ва кетманчилар суғорилган ҳарбир бўлак ерни икки-уч кун ичида тобидан ўтказмай культивация ва чопиқ қилиб улгура оладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «Июль ойида ғўза парваришини кучайтириш ва ҳосил тўплаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида» деб чиқарган қарори колхозчиларимизни пахтадан яна ҳам мўл ҳосил етиштиришга чақирди. Шу кунларда пахта далаларида 380 киши ғўзани парвариш қилишда зўр бериб ишламоқда. Улар ғўзани чопиқ культивация қилмоқдалар, най усулида қондириб суғормоқдалар. Суғориш олдидан минерал ва маҳаллий ўғитлар аралаштирилиб машина блан ғўзани қўшимча озиқлантирмоқдамиз. Ғўза қатор ораларида трактор культиваторларидан ташқари 40 та от культиватори ва «Оқ сой» ишлаб турипти. Колхозчиларнинг 75 проценти кунлик топшириқни ошириб бажармоқдалар.

Биз шона ва гулларни кўпайтириш ва уларни тўла сақлаб қолиш ва ҳосилни тез етилтириш мақсадида ғўзани суғориш, чопиқ-культивация қилиш ва озиқлантиришни бир-бирига боғлаб олиб бормоқдамиз. Бунинг учун биз суғориш олдидан ҳар гектар ерга 150 килограммдан азот ва 100 килограммдан силитра солаётирмиз. Шунингдек маҳаллий ўғитларни суғориш блан «шарват» қилиб оқизаётирмиз. Ҳарбир звенонинг а'золари ўз ерларига «ҳосилот халтасида» маҳаллий ўғит ташиб чиқармоқдалар.

Колхозчиларимизнинг унумли ишлаши учун ҳамма шароит яратиб берилган. Колхозимизда битта доимий яслидан ташқари ҳамма бригадаларда дала яслилари ташкил этилган. Тўртта дала шийпони яхши жиҳозланган. Уларга радиоприёмниклар ўрнатилган. Агитаторлар колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Биз ғўза парвариши даврида колхозчиларга пул ва ғалла авансини мунтазам бериб бормоқдамиз.

Колхозчиларимиз Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг июль ойида ғўза парваришини кучайтириш тўғрисидаги қарорини муҳокама қилиб, дала ишларини яна ҳам кучайтириб юбордилар. Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ҳал қилучи ой ҳисобланган июль ойида ҳосил тўплаш мақсадида биз ғўзани яна 3 марта парвариш қилишга қарор бердик. Пахта далаларида қилган ҳалол меҳнатларининг дастлабки самараларини кўриб қувонган колхозчиларимиз мўл ҳосил етиштириш юзасидан ўзаро социалистик мусобақани яна ҳам кучайтириб юбордилар.

Биз июль ойи ичида ғўзани агротехника қоидалари асосида юқори сифатли парвариш қилиб, мўл ҳосилни та'минлаш, ҳарбир шонани гулга ва ҳарбир гулни тўқ кўсакка айлантириш, пахтанинг тез очилишини та'минлаш учун курашамиз. Ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятимизни сўзсиз бажарамиз.

Жўра ЭЛБОЕВ.

Қашқадар'ё область, Китоб районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Ғаллани қисқа муддатда, нобуд қилмай ўриб-йиғиб олайлик!

☆ ☆

Ғалла ўрим-йиғимига кун сайин раҳбарлик қилиш керак

Оржоникидзе районидаги «Правда Востока» колхозида ғалла ўрим йиғими муваффақиятли ўтмоқда. Колхозчилар кунлик иш нормаларини ошириб бажармоқдалар. **Суратда:** ҳар куни икки норма бажараётган стахановчи ўртоқ **Ўғилжон Эгамбердиева** буғдой ўрмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Чироқчи районида ғалла ўрим-йиғими бошланганига бир ойча бўлди. Бу давр ичида ғалланинг талайгина қисмини ўриб-йиғиб олиш, янчиш ва давлатга кўп миқдорда дон топшириш мумкин эди.

Аммо, район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ор'ганлари ўрим-йиғим ишларини большевикча уюштиришга етарли раҳбарлик қилмаётирлар. Бунинг натижасида колхозларда ғаллани ўриш, янчиш ва давлатга дон топшириш сур'ати ўтган йилдагидан ҳам суст бормоқда. 25 июньгача 15 процентга етар-етмас ердаги ғалла ўрилиб, шундан оз қисми янчилган. Давлатга 10 процент ҳам дон топширилмаган.

Районда ғалла ўрим-йиғими ва давлатга дон топширишнинг бу қадар қониқарсиз бораётганига асосий сабаб нима? Бунга, ўрим-йиғим устидан оперативраҳбарлик та'мин этилмаётганлиги, комбайн ва ўриш-янчиш машиналари ғалла ўришга жуда кечикиб киришгани ва унумсиз ишлаётгани, ғалла ўришга етарли миқдорда колхозчилар ажратилмаганлиги, район ва колхоз раҳбарларида беғамлик, бепарволик кайфияти ҳукм сураётгани сабаб бўлмоқда. Комбайнлар блан ғалла ўриш ўтган йилдагидан ҳам секин бормоқда. Комбайнлар ғалла ўришга кечикиб туширилди. Ҳозир ҳам 20 дан ошиқ комбайн ғалла ўришга киришмаган. Чироқчи қишлоқ советидаги 11 колхознинг ҳаммасида ҳам комбайн бор. Лекин комбайнларнинг анча қисми ишламайди. Январь, Шўрқудуқ қишлоқ советларидаги колхозларда ҳалигача комбайнлар ғалла ўришга киришган эмас. Ана шунинг учун ҳам, районда ҳар куни комбайнлар блан графикдаги 517 ўрнига 100—150 гектаргина ернинг ғалласи ўрилмоқда. МТС директорлари — Асипянц, Муродов ўртоқлар барча комбайнларни ишга туширишга тегишли тадбирларни кўрмаётирлар.

Район колхозларида ғаллани ўриш блан янчиш ўртасида катта узилиш бор. Графикка мувофиқ, кунига 780 гектар ердаги ғаллани янчиш ўрнига, 210 — 220 гектар ернинг ғалласи янчилаётир. Чунки колхозлар янчиш тошларидан тўлиқ фойдаланмаётирлар.

Чироқчи районининг қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларида ўтакетган хотиржамлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Район ижроия комитети (раиси Ўртоқ Раҳмонов)нинг маслисларида ғалла ўрим-йиғимининг бориши ҳақида бирор марта ҳам масала кўрилган эмас.

Қашқадар'ё область ижроия комитети Чироқчи районида ҳукм сураётган бу сусткашликнинг олдини олмаса, ўриш-йиғиш ва давлатга дон топшириш яна ҳам ёмон аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Р. МУРОДОВ.

Гектаридан 80 центнер пахта учун

Самарқанд область, Жиззах районидаги Сталин номли колхозининг Рашид Ҳадилов бошлиқ звено а'золари 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олиб, ғўзани намунали парвариш қилмоқдалар. Звенонинг тўрт марта культивация ва чопиқдан чиқарилган, қондириб суғорилган ва яхши озиқлантирилган ғўзалари ҳозир текис гуллаб кўсаклай бошлади.

Звено а'золари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг июль ойида ғўза парваришини кучайтириш тўғрисидаги қарорига жавобан, шу ой ичида ғўзани яна икки-уч марта юқори сифатли парвариш қилишга қарор бердилар.

Звено а'золари ғўзанинг авж олиб ўсиши ва мўл ҳосил тўплашига қараб, ҳар гектар ердан илгариги 60 центнер ўрнига 80 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар.

Э. УЗОҚОВ.

Қизил байроқли трактор бригадасида

Хоразм область, Шовот районидаги 1-нчи МТСнинг ўртоқ Қутлибоев бошлиқ трактор бригадаси ғўза қатор ораларини культивация қилишда олдинда бораётир. Бригаданинг универсальчилари социалистик мусобақа шартномасида ўз устларига олган мажбуриятни муваффақиятли бажармоқдалар. Бу йилги мавсумда 1200 гектар ердаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олган универсальчилардан ўртоқ Собир Отажонов ҳозиргача 750 гектардан кўпроқ ердаги ғўза қатор ораларини культивация қилди.

Ўртоқ Қутлибоев бошлиқ бу илғор трактор бригадаси ғўза парвариши мавсуми бошлангандан буён МТС ма'мурияти ва партия ташкилотининг кўчма қизил байроғини сақлаб келмоқда.

Б. ОТАЖОНОВ.

Меҳнат кунларига аванс бериш тартиби бузилмоқда

Фарғона область, Фарғона районидаги бирнеча колхознинг правлениеси колхозчиларнинг меҳнат кунига аванс беришни намунали ўтказмоқда. Чекшўро қишлоқ советидаги «Еш Ленинчи», Дзержинский номли, Янгичек қишлоқ советидаги «Меҳнаткаш» колхозларида колхозчиларга ҳар 5—10 кунда ғалла ва пул аванси узлуксиз равишда бериб келинади. Бу колхозларда ғўза парваришининг намунали ўтишида бу тадбир катта ёрдам бермоқда.

Броқ районнинг кўпчилик колхозларида колхозчиларнинг меҳнат кунларига аванс бериш тартиби қўпол равишда бузилмоқда. Молотов номли колхозда, ҳатто биринчи аванс учун олинган 120 минг сўм пулдан меҳнат кунларига бир тийин ҳам аванс берилмай, бошқа харажатларга сарф қилиб юборилган. Бунинг устига, давлатдан берилган 19.792 килограмм ғалла, 226 килограмм ёғ ва бошқа нарсалар колхоз раҳбарлари, биринчи навбатда раис ўртоқ Ҳайдаровнинг мас'улиятсизлиги орқасида, район матлубот союзидан ташиб олинган эмас.

Ворошилов қишлоқ советидаги Чапаев номли колхозда ғўза парвариши ниҳоятда орқада қолмоқда. Колхозчиларнинг анчагина қисми иш нормасини бажармайди. Прогулчилар ҳам анчагина. Ўз вақтида аванс берилмаслиги ҳам бу нарсага сабаб бўлмоқда. Колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Исмоилов) биринчи аванс учун олинган 15.750 килограмм ғалла, чой ва бошқа нарсаларни шу вақтгача матлубот союзидан олгани йўқ.

Областьнинг Молотов районидаги кўпчилик колхозларда колхозчиларнинг меҳнат кунларига аванс бериш ҳамда давлатдан пахта учун олинган ғалла ва бошқа маҳсулотларни ташиб олиш жуда ёмон аҳволда. Районнинг Бекобод қишлоқ советидаги Пушкин номли колхозда (раиси ўртоқ Сулаймонов) колхозчиларнинг меҳнат кунларига аванс учун берилиши лозим бўлган 232 минг сўм пул бошқа мақсадлар учун сарф қилиб юборилган. Колхозчилар йил бошидан бери пул аванси олганлари йўқ. Навбаҳор қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда 315 минг сўм аванс блан колхозчиларнинг меҳнат кунига фақат 61 минг сўми берилган. Тельман номли, «Чўли гулистон» ва «Қизил майдон» колхозларида эса, колхозчиларнинг меҳнат кунига йил бошидан бери пул ҳам, натура аванси ҳам берилмаган.

Киров районида пахта ҳисобига давлатдан олинган пул ва ғалла авансларини айрим колхоз раҳбарлари томонидан талон-торож этиш каби аянчли ҳоллар юз бераётир. Кулол қишлоқ советидаги «Ленинизм» колхозида 23 тоннадан ортиқ ғалланинг фақат 13 тоннаси колхозчиларга тақсимланган. Қолган ғалла ҳархил йўллар блан йўқотилган. Колхоз правлениеси 120 минг сўм аванс пулнинг ҳаммасини колхознинг бошқа хўжалик ишларига сарф қилган. Омборчи Жўрабой Умаров, ҳисобчи Аҳмедовлар 3 — 4 минг сўмлаб колхоз пулини шахсий манфаатларига сарф қилиб юборганлар.

Колхозчиларнинг меҳнат кунларига аванс бериш тартибининг бузилиш фактларини Куйбишев, Охунбобоев, Тошлоқ районларида ҳам учратиш мумкин. Охунбобоев районидаги 68 колхоздан 18 тасида ҳозиргача колхозчиларнинг меҳнат кунига аванс берилган эмас. Бунга асосий сабаб шуки, район раҳбарлари колхозларда аванс бериш иши блан мутлақо шуғулланмайдилар. Район ижроия комитети (раиси ўртоқ Охунбоев) колхозчиларга аванс беришнинг бориши тўғрисида 1950 йил ичида бирор марта ҳам масала муҳокама қилгани йўқ.

Областьдаги қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари, колхозларда аванс бериш тартиби блан яқиндан шуғулланишлари, бу ишда юз берган жиддий камчиликларни тезда тузатиш чорасини кўришлари керак.

Ю. ДАДАЖОНОВ.

Ғалла тайёрлаш планини бажардилар

Самарқанд область, Метон район, Борлос қишлоқ советидаги «Большевик» колхозининг а'золари (раиси Қўлдошев, бошланғич партия ташкилотининг секретари Қувондиқов ўртоқлар) СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «1950 йилда ҳосилни йиғиштириб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тўғрисида»ги қароридан руҳланиб, ғалла ўрим-йиғимини пухта тайёргарлик блан бошлаб юборган эдилар. Ватанпарвар колхозчилар ўрим-йиғимни қартарафлама кучайтириб, давлатга ғалла топшириш планини районда биринчи бўлиб, ошиғи блан бажардилар.

Қўғирот қишлоқ советидаги «Қизил Октябрь» (раиси ўртоқ Қаноатов), Метон қишлоқ советидаги Юсупов номли (раиси ўртоқ Шакаров) колхозлар ҳам ғалла тайёрлаш планини бажаришга муваффақ бўлдилар.

М. АБДУРАҲИМОВ.

Комбайнчилар мусобақаси

ҚАРШИ. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). Қашқадар'ё область, Қарши районидаги 1-нчи МТСнинг комбайнчиси ўртоқ Мовзалевский унумли ишлармоқда. У ҳозиргача 386 гектар ердаги ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб берди. Ўртоқ Мовзалевский бу йилги мавсумда «Сталинец» комбайни блан 1.200 гектар ердаги ғаллани ўриш ва энг камида 10 процент ёнилғини тежаш мажбуриятини олиб, комбайнчи ўртоқ Сайфуллинни социалистик мусобақага чақирган.

Дашт қишлоқ советидаги «Қизил байроқ» ва «Иқтисод» колхозларида хизмат қилаётган ўртоқ Сайфуллин ўз мажбуриятини шараф блан адо этмоқда. У кейинги 12 кун ичида 160 гектар, мавсум бошидан буён 321 гектар ернинг ғалласини ўрди. Ўртоқ Сайфуллин шу кунларда 15 гектар ва ундан ҳам кўпроқ ердаги ғаллани ўраётир.

Ховос районида ғалла ўрим-йиғими кучайтирилмаётир

Ховос районининг колхоз далаларида етиштирилган мўл ғалла ҳосилини нобуд қилмай ўриб-йиғиб оладиган энг мас'улиятли давр келди.

Район ўрим-йиғимни қисқа муддатда уюшқоқлик блан ўтказиш ва давлат олдидаги мажбуриятларини бажариш учун бутун имкониятга эга. Машина-трактор станциясининг ихтиёрида етарли миқдорда комбайн ва бошқа ўрим-йиғим машиналари бор. Район раҳбарлари ана шу техника кучларини иш участкаларига тўғри тақсимлаб, бу кучлардан унумли фойдаланишлари керак.

Лекин Ховос районида дастлабки кунларданоқ ўрим-йиғим ишларининг яхши уюштирилмаганлиги сезилиб турибди. Район қишлоқ хўжалик бўлими (мудири ўртоқ Ҳакимов, агрономи ўртоқ Назимов) машина блан ғалла ўришни 50 кунда бажаришни мўлжаллаб план тузган. Ҳолбуки бирқанча колхозларнинг техника ва от-улов кучлари ўрим-йиғимни анча илгари тугаллаш имкониятини беради.

Нотўғри тузилган планни олган колхозлар ўрим-йиғим ишларини кучайтириб юборишга сра шошилмаётирлар. МТС раҳбарлари ҳам комбайнларни тезроқ ремонтдан чиқаришга ҳаракат қилмайдилар. 20 июньгача 8 комбайн ремонтдан чиқарилмаган. Ремонт қилинган 50 комбайндан фақат 3 таси ишлаб турибди. Қолганлари ҳали ишга туширилмаган.

МТС агрономи ўртоқ Назарқулов комбайнларни иш участкаларига тўғри тақсимлаш масаласи блан етарли шуғулланмаётир. Масалан, комбайнчи ўртоқ Мўминовга Охунбобоев номли колхозга бориш тўғрисида буйруқ берилди. Лекин бу колхозда комбайн блан ўриладиган майдон бўлмаганлигидан, комбайн 10 кун бекор турди.

Айрим колхозларда комбайнчиларни озиқ-овқат блан та'минлашга э'тибор берилмаётир. Комбайнда ишлаш учун ишчилар ажратилмаган. «Қизил аскар» колхозида тегишли ишчи кучлар ажратилмаганлиги сабабли, 10 кундан буён комбайн бекор турибди. Сталин номли 3-нчи колхозда ҳам комбайнҳ худди шу сингари сабаб блан анча вақтдан буён ишламай турибди.

Бирқанча комбайнларнинг ўроғи баланд ўрнатилган. Шунинг натижасида палта буғдойлар ўрилмай қолиб кетмоқда. МТСда ғалла нобудгарчилигига қарши кураш масалалари блан ҳечким шуғулланмайди. «Меҳнаткаш» колхозида ишлаётган ёш комбайнчи ўртоқ Долбеков комбайни яхши созланмаганлигидан, ҳосилнинг анча қисми нобуд бўлмоқда. Ўртоқ Долбеков ўзи комбайнни созлай олмайди. МТС эса унга ўз вақтида техника ёрдами бериб турмайди.

Районда давлатга ғалла топширишни кучайтириб юборишга тайёргарлик кўрилмаётир. Ленин номли колхознинг хирмонида 400 центнерга яқин ғалла ётибди. Лекин колхоз ҳали ғалла топширишга киришмаган. Айрим колхозларнинг раҳбарлари ҳосилни кам деб кўрсатиб «акт» тузишга уринмоқдалар.

Бу фактларнинг ҳаммаси район қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Ҳакимов ва район ижроия комитетининг раиси Латипов ўртоқлар ғалла учун етарли кураш олиб бормаётганликларини кўрсатади.

МТС директори ўртоқ Бобониёзов ғалла ўрим-йиғими қандай бораётганини бир марта ҳам келиб кўргани йўқ. У сўнгги вақтда район партия комитетининг янги ерлар тўғрисидаги қарорини ишлаб чиқиш блан банд. Колхозларда ўрим-йиғимни уюштириш, сувли ерларда кечки экинларни экиб бўлиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ўрим-йиғимни уюштиришда йўл қўйилган камчилик ва хатоларни дарҳол тузатиб, бу ишни ҳартарафлама кучайтириб юбориш зарур. Районда бунинг учун ҳамма имконият бор.

Б. СОЛЯНКО.

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Ғўзани гуллаш даврида суғориш

Пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашда энг мас'улиятли ва ҳал қилучи давр—ғўзанинг гуллаш ва кўсаклаш давридир. Бу даврда (июнь-август ойлари) амалга ошириладиган барча агротехника тадбирлари қаторида ғўзани суғоришни тўғри ўтказиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки бу даврда ғўзанинг яхши ўсган ва шапалоқ бўлган барглари тупроқ намлигини ҳавога жуда кўп буғлаб туради. Ғўзанинг илдизи анча чуқур ва кенг тарқалади. Ҳавонинг иссиқлиги ҳам жуда юқори кўтарилганлиги учун тупроқнинг илдиз тарқалган чуқурлик қатламларидаги сувларнинг тез сарфланишига сабаб бўлади.

Илмий текшириш муассасаларининг аниқлашича, ғўза гуллаш даврида, гуллашгача бўлган вақтдагига қараганда сувни ҳавога 5—6 марта кўп буғлаб туради. Бу пайтда тупроқда бўлган намнинг салгина бўлса ҳам етмай қолиши ғўзани ўсишдан қолдиради, олган гул ва кўсакларини кўплаб ташлаб юборишига, натижада ҳосилнинг камайиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам хозирги кундаги асосий вазифа — ғўзанинг яхши ўсиб ривожланиш натижасида олган гул ва кўсакларининг кўпчилик қисмини сақлаб қолишдан ва уни эрта етиладиган қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бунга эришмоқ учун ғўзани узлуксиз сув ва озиқ моддалари блан етарлик та'минлаб туришга ниҳоятда катта аҳамият бериш лозим.

Ғўзанинг илдизи тарқалган чуқурлик қатламида ҳамма вакт етарли нам ва озиқ моддалари бўлиб туришини та'мин қилиш блан, ортиқча серсув қилиб кўйишдан ҳам жуда эҳтиёт этиш керак.

Гуллаш ва кўсак тугиш даврида нормадан ортиқ сув ичган ғўзалар тупроқдан олган сув ва озиқ моддаларини ҳосил тўплаш учун сарфлаш ўрнига, ғўзанинг пояси ва шохларининг ортиқча ўсишига, сербарг бўлиб ғовлаб кетишига сарф қиладилар. Натижада, бундай ғўзалар камҳосил бўлиб, олган ҳосилнинг ҳам кўпчилик қисмини ташлаб юборади, қолган ҳосили ҳам кеч етиладн.

Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда ғўзага ҳаммаси бўлиб неча марта сув бериш, сувни қай вақтда бериш ва ҳарбир суғоришда тупроқнинг неча сантиметр чуқурликда намланишини жуда яхши билиш керак. Ма'лумки, ҳарбир ернинг тупроқ шароитига, ерости сувларининг чуқурлигига, ғўзанинг сувга бўлган талабига ва унинг ўсишига қараб, бу даврда суғоришнинг миқдори, суғориш муддатлари ва суғориш нормаси ҳархил бўлади.

Шу кеча-кундузда суғориш қанчалик тўғри ўтказилса ғўза шунча серкўсак бўлиб, эрта етиладиган мўл ҳосил беради.

Ғўзани гуллаш ва кўсаклаш даврида суғоришдан кутилган асосий мақсад — унинг бўйига ортиқча ўсиб-кетишига йўл қўймасдан, энг кўп ҳосил тўплашини та'минлашдан иборатдир. Илмий тажриба станцияларининг кўп йиллик текширишларига ва юқори ҳосил эгаларининг тажрибаларига қараганда, гуллаш даврида ўтказиладиган суғоришларнинг сони, гуллашгача берилган сувларнинг сонига қараганда 2—2,5 марта кўпроқ бўлиши керак.

Шунинг учун ер ости сувлари юза бўлган тўқайли ва шўр тупроқли ерларда гуллашгача бир сув берилган бўлса, гуллаш даврида 2—3 сув берилади. Ерости сувлари чуқур бўлган соғ тупроқли ерларда гуллашгача икки сув берилган бўлса, бундай ерларда гуллаш даврида 4—5 сув берилади. Нам сақламайдиган шагал ва қум қатламлари бўлган енгил тупроқли ерларда гуллашгача 3 сув берилган бўлса, гуллаш даврида 6—8 сув берилади.

Оққовоқ тажриба станцияси шароитида гуллаш даврида 5 марта сув бериш лозим бўлган ерларга кам сув бериш, ёки ортиқча сув бериш пахта ҳосилига қандай та'сир қилганини кўрсатиш учун ўтказган текширишларимиздан олинган натижани кўрсатиш мумкин: Тажриба станциясида гуллаш даврида 3 сув берилганда 43,4 центнер ва 6 сув берилганда 40,8 центнер ҳосил олинган.

Гуллаш даврида 3 сув бериш лозим бўлган, ерости сувлари юза, тупроғи ўртача шўр бўлган Хоразм тажриба станциясида ортиқча сув бериш ҳосилнинг анча пасайиб кетишига сабаб бўлган. Бу тажрибада гуллаш даврида 3 сув берилганда гектарига 22,2; 4 сув берилганда 18; 5 сув берилганда 15,9 центнер ҳосил олинган.

Бу тажрибалар очиқ кўрсатадики, ҳарбир ернинг шароитига қараб гуллаш даврида суғоришни тўғри ўтказилганда пахта ҳосилини ҳарбир гектар ердан 4 центнердан 9,8 центнергача ошириш мумкин бўлади.

Ҳарбир ернинг шароитига қараб гуллаш даврида бериладиган сувларнинг умумий сонини тўғри белгилаш блан, бу сувларни ғўзани айни талаб қилган вақтини тўғри аниқлаб ўз вақтида бериш пахтадан мўл ҳосил олишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Оққовоқ тажриба станциясида кўп йил мобайнида ўтказилган текшириш ғўзани энди гулга кирган вақтида суғориш ҳосил учун курашда ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлигини жуда яққол кўрсатди.

Ғўза гулга кириши блан унинг ҳаётида биологик ўзгаришлар содир бўлиб, оддий органик моддалар мураккаб моддаларга айланиб боради. Агар мана шу ҳал қилучи пайтда ғўзани сув блан та'мин қилишда салгина бўлса ҳам кечикиб қолинса, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши тўхтаб қолади. Натижада, ғўзанинг мева ҳосил қилиш сур'ати секинлаб, умумий ҳосилни, айниқса совуқ тушгунча тераладиган юқори сифатли ҳосилнинг камайиб кетишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам ғўзада гуллаш бошланиши блан суғоришни кечиктирмасдан, ҳамма ерда мумкин қадар қисқа муддатда ўтказиш керак. Ғўзада 15—20 процент гул ҳосил бўлиши блан суғоришни 4—5 кун кечиктириб ўтказиш натижасида ҳосилнинг анча камайиб кетганини кўрсатадиган мисолни келтирамиз: Гуллаш бошланиши блан 5 июльда суғорилган ғўзадан гектарига 48,1 центнер ҳосил олинган бўлса, бу сувни 4 кун кечиктириб — 9 июльда берилганда 41,5 центнер ҳосил олинган.

Иккинчи бир тажрибада гуллаш бошланиши блан 10 июльда суғорилган ердан 36,6 центнер ҳосил олинган бўлса 9 кун кечиктириб — 19 июльда суғорилганда 27 центнер ҳосил олинган. Шунга ўхшаш 3-нчи тажрибада 4 июльда суғорилганда 41,8 ва 13 июльда суғорилганда 34,6 центнер ҳосил олинган.

Бу тажрибалардан кўринриб турипти-ки, ғўзани гуллаш бошланиши блан ўз вақтида суғормаслик натижасида ҳосил анча камаяди. Белгиланган вақтдан қанча кеч суғорилса, шунча кам ҳосил олиниб, ҳарбир кунги кечикиш ҳисобига 1—1,5 центнердан ҳосил йўқотилган.

Гуллаш даврида бериладиган сувни гуллаш бошланишидаёқ бериш блан, кейинги сувларни ҳам ўз вақтида беришга жуда катта э'тибор қилиш керак. Бунинг учун гуллаш бошланиши блан бериладиган дастлабки сув олдидан ҳарбир участкада (суғориш картасида) гул баландлиги нечанчи бўғимда эканини аниқлаб ёзиб қўйиш керак бўлади. Гуллаш баландлигини белгилаш учун ҳарбир участкада гектарига 50—100 туп ҳисобида гулга кирган ғўзаларнинг энг тепадаги ўсиш нуқтасидан бошлаб, биринчи ўрнида гули бўлган ҳўҳга қараб шохма шох санаб тушганда, биринчи гул нечанчи бўғимда (шохда) эканини ҳисоблаб, ҳарбир туп ғўзани тартиб номери бўйича алоҳида ёзиб чиқилади. (Бу тартибда ҳисоблаганда, ҳарбир мева шохи бир бўғимга ва ғўзанинг тепасидаги ҳали мева шохи чиқармаган бош поя ҳосил бўлган расмонга 2—3 баргнинг ҳарбирини бир бўғимга ҳисобланади). Масалан, гуллаш баландлиги бир туп ғўзада тепасидан пастга қараб саналганда 8-нчи бўғимда, бошқа бир тупда 9-нчи бўғимда ва шунга ўхшаш бўлиши мумкин. Текширилган ғўзалардаги гуллаш баландлигини жамлаб туриб, умумий текширилган ғўзаларнинг сонига тақсим қилганимизда, мисол учун, ўртача гуллаш баландлиги 8,6 шохга тўғри келса, буни дафтарга ёзиб қўямиз.

Гуллаш даврида бериладиган иккинчи сувни биринчи суғориш олдидаги гуллаш баландлигидан 0,5—0,7 бўғим камайганда берилади. Бизнинг мисолимизда гуллаш даврида бериладиган иккинчи сув гуллаш баландлиги 8 бўғимда бўлганда берилади.

Бу мисолга мувофиқ, текшириш вақтида иккинчи сув бериш олдидан гуллаш баландлиги 8 бўғимдан камайиб кетган бўлса (гул бирмунча тепага чиқиб кетган тақдирда) ғўза чанқаб, суғориш вақти ўтиб кетганлигини кўрсатади.

Гуллаш даврида бериладиган учинчи сувни иккинчи суғориш олдида бўлган гуллаш баландлигига қараганда 0,8—1,0 бўғим камайтириб, бизнинг мисолимиз бўйича 7,0—7,2 бўғимда бўлганда берилади. Кейинги сувларни эса гуллаш баландлиги илгаригидан бир бўғим камайганда берилабошлайди.

Ғўзани гуллаш даврида гуллаш баландлигининг ўзгаришига қараб суғорганда тўғри мўлжал блан ўз вақтида суғорилганга қараганда жуда катта фойда келтириши кўп тажрибада синалган.

Тошкент область, Оржоникидзе районидаги «Оқ олтин» колхозида илгаридан тупроқ шароитига қараб тўғри белгилаб қўйилган муддатларда суғорилганда гектаридан 39,5 центнер ҳосил олинган бўлса, гуллаш баландлигининг ўзгаришига қараб суғорилган қисмидан 43,9 центнер ҳосил олинган. Шу райондаги «Қизил қаҳрамон» колхозида шу тартибда суғорганда биринчи ҳолда 31,2 ва иккинчи ҳолда 34,7 центнер ҳосил олинган.

Гуллаш даврида суғоришни ғўзанинг ташқи белгиларига қараб ўз вақтида тўғри ўтказиш блан, сувдан тўла ва унумли фойдаланиш учун суғоришни кеча-кундуз баравар ўтказиш талаб қилинади. Ғўзани гуллаш даврида кечаси суғориш айниқса катта аҳамиятга эга. Кечаси қоғиқ сув ичган ғўза яхши ўсиб, кўп ҳосил тўплайди ва олган гул ва кўсакларини ташлаб юбормасдан, кўпчилик қисмини тутиб қолади. Ғўзани суғорганда пушталарни бостириб юбормаслик, эгатнинг айрим қисмларини қўлламасдан қўймаслик ва сувнинг кўп қисмини пайновга чиқариб юбориб, исроф қилишга мутлақо йўл қўймаслик керак.

Суғоришдан кейин тупроқда узоқ вақт нам сақланишини та'мин қилиш учун суғорилган участкани ер етилиши блан дарҳол культивация қилиш ва кетман чопиғи ўтказиш зарур. Ўз вақтида берилган сувдан яхши натижа олиш учун тупроқнинг тузилишига қараб ғўзанинг илдизи тарқалган чуқурликнинг тўла намланишига катта аҳамият бериш керак. Гуллаш ва кўсак тугиш даврида ғўзанинг илдизлари бир метр ва ундан ҳам ортиқ чуқурликка тарқалади. Тупроқ намлигини кўплаб сарфлайдиган асосий ишчан илдизлар ернинг 70—80 сантиметр чуқурлигида тарқалади. Бу чуқурликни етарлик намлаш учун ерларнинг тупроқ тузилишига қараб ҳарбир суғоришда гектарига 700—1000 кубометргача сув бериш керак бўлади. Енгил тупроқли ва захкаш ерларда гектарига 700—800, ерости сувлари чуқур бўлган оғир тупроқли ерларда гектарига 900—1000 кубометр сув беришга тўғри келади.

Бу суғориш нормалари ўзидан намни яхши ўтказадиган енгил тупроқларда, тўқайли ва янгидан бузилган бедапоя ҳамда ўзлаштирилган қўриқ ерларда тез ерга сингиши мумкин. Намни ўзидан яхши ўтказмайдиган оғир тупроқларда сув ерга жуда секинлик блан сингади. Шунинг учун бу даврда ҳарбир суғоришнинг давоми тупроқ тузилишига қараб бир участкада 10—12 соатдан тортиб бирнеча соатгача чўзилиши мумкин. Намни ўзидан яхши ўтказадиган тупроқларда пайнов чиқармасдан туюқ эгатлар блан суғорилса, намни ўзидан ёмон ўтказадиган тупроқларда пайнов чиқариб суғорилади. Бундай ҳолларда юқори участкалардан чиққан пайновлардан пастки участкаларни суғоришда фойдаланиш керак.

Суғоришда тупроқ шароитини ҳисобга олмаганда айрим ерларнинг ортиқча захлатиб, ғўзанинг ғовлаб кетишига, натижада, ҳосилнинг анча камайишига ва кеч етилишига сабаб бўлинади. Шунинг учун ҳам ғўзанинг нормал ўсиб, мўл ҳосил бериши учун ҳарбир суғоришда участкانинг ҳамма ерида тупроқнинг бир текисда 60—70 сантиметр чуқурликда намланиши керак.

Суғоришни тўхтатиш олдидан ернинг қанчалик чуқурликда намланганини текшириб кўриш учун участкانинг бирмунча еридан кетман блан очиб кўриш ёки бармоқ йўғонлигида бўлган қозиқ ва махсус ишланган темир қозиқларни ерга суқиб кўриш керак. Намлик участкانинг ҳамма ерида бир текисда белгиланган мўлжалга етгандан кейингина суғо

Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армияси бош қўмондонлигининг ахбороти

ПХЕНЬЯН, 1 июль. (ТАСС). Халқ армияси бош қўмондонлигининг ахборотида бундай дейилади: Халқ армияси қўшинлари чекинаётган душманни қувиб бориб,29 июньда бутун фронтда 10 километрдан 15 километргача илгари силжидилар. Қўшинлар душманни қувиб бориб, кўпгина уезд ва волость марказларини — жам'и аҳоли яшайдиган 500 дан ортиқ пунктни озод қилдилар. Халқ армиясининг Кан (Канган) дар'ёсининг қуйи қисмидаги Уан районида 1-нчи ва 5-нчи дивизияларни қуршаб олган қўшинлари 29 июньда душманнинг мазкур дивизияларига қат'ий зарба бердилар. Бунинг натижасида душманнинг асосий кучлари тор-мор келтирилди, бошқалари қуролларини ташлаб қочмоқда. Шу жангларда Халқ армиясининг қисмлари лисинманчилар армиясининг 9 мингдан ортиқ солдат ва офицерини ўлдирилдар ва ярадор қилдилар ҳамда 3 мингдан ортиқ солдат ва офицерини асир олдилар. Кўп ўлжа олинди. Булар орасида танкка отадиган 13 тўп, 7 бронемашина, 2 танкетка, 48 автомашина ва бошқалар бор.

Халқ армияси авиацияси 29 июньда Инчон (Чемульпо) портига ҳужум қилди ва душманнинг кичик кемаларидан 11 тасини ботирди. Авиация Инчон темир йўл станциясига ва Сеул-Инчон йўлига ҳужум қилишни давом этдирди ҳамда душманнинг ҳарбий эшелонларини бомбардимон қилди.

Қурия халқ-демократик республикасининг ҳарбий-денгиз флоти 29 июньда Канхвадо оролига десант туширди ва шиддатли жанглар натижасида бу орол тамомила озод қилинди.

Бош қўмондонликнинг ахборотида айтиладики, Ли Син Ман бошлиқ қўғирчоқ тўдани қутқазиб қолиш операциясига бевосита раҳбарлик қилиш учун Сувонга келган Макартур Халқ армияси қисмларининг шаҳарга киришидан қўрқиб Сувондан жўнаб кетган. Макартур Сувон районидаги қуприкларнинг ҳаммасини дарҳол бузиб ташлашни буюрган.

30 июнь кундузи Халқ армияси қўшинлари фронтнинг ҳамма участкаларида ҳужумни давом этдирдилар. Авиация Сувон аэродромига ҳужум қилиб, душманнинг «В—29» деган икки бомбардимончи аэропланини ва 7 қиручи аэропланини яксон қилди. Халқ армияси аэропланларининг яна бир тўдаси 29 ва 30 июнь кунлари давомида Американинг бомбардимончи аэропланларига қарши ҳавода жанг қилди. Американинг бу аэропланлари озод қилинган Кайсон шаҳрига ҳужум қилишга урунган эдилар. Ҳаво жангида «В—29» деган икки бомбардимончи аэроплан уриб туширилди. 29 июньда Халқ армиясининг артиллерияси Канвон вилоятидаги Каннин шаҳрини ўққа тутиш ниятида Каннин районига келган Америка ҳарбий кемасини қайтиб кетишга мажбур этди.

Халқ армиясининг қўшинлари Каннин ва Самчок районларида партизан отрядлари блан қўшилиб, 28 ва 29 июньда душманнинг чекинаётган қўшинларининг йўлини тўсиб қўйдилар ва уларга қақшатқич зарба бердилар. Бўлиб ўтган жанглар натижасида лисинманчилар армиясининг солдат ва офицерларидан 700 дан кўпроғи ўлдирилди ва ярадор қилинди ҳамда 600 дан кўпроғи асир олинди, булар орасида артиллерия дивизионининг икки командири, иккита полк штабларининг бошлиқлари, дивизия штаби оператив бўлимининг бошлиғи ва бошқалар бор.

ПХЕНЬЯН, 2 июль. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг бош қўмондонлиги хабар беради: Халқ армиясининг қўшинлари чекинаётган душман қисмларига зарбалар беришни давом этдирмоқдалар. Халқ армиясининг 28 июньда Сеулни озод қилган ва Сувон ҳамда Тайжон томонига қараб олға бораётган қисмлари 30 июньда ваҳимага тушиб чекинаётган душманнинг йўлини тўсиб қўйдилар ва Жанубий Қурия қўшинларининг бир дивизиясини қисман қириб ташладилар, қисман асир олдилар ва кўп ўлжа қўлга туширдилар.

Халқ армиясининг Кимпо аэродромини ишғол қилган ва жануб томонга бораётган қисмлари 1 июль эрталаб Ендинпхо шаҳрини тамомила озод қилдилар.

Ҳарбий-денгиз флотининг Канвон вилоятида Каннин, Самчок ва Урдин районларида партизан отрядлари блан бирга ҳаракат қилаётган десант отрядлари қуруқликдаги қисмлар блан қўшилдилар ва тоғлиқ жойдаги табиий ғовлардан муваффақият блан ўтиб, жануб томонга илгари силжиб бормоқдалар.

Халқ армиясининг Ендинпхо шаҳрини озод қилган қисмлари 1 июльда душманнинг чекинаётган қисмларини қувиб боришни давом этдирдилар. Чунчен — Хончен участкасида ҳаракат қилаётган қўшинлар етмиш километр илгари силжидилар.

Халқ армиясининг артиллерияси Япон денгизида Қурия соҳилларига яқин келмоқчи бўлган бир америка ҳарбий кемасини қайтиб кетишга мажбур этди.

Об-ҳаво шароити ноқулай бўлишига қарамай, авиция душман блан жанг қилди ва Халқ армиясининг илгари бораётган қўшинларини ҳимоя қилди.

Қурия халқ-демократик республикаси Қаҳрамони унвони белгиланди

ПХЕНЬЯН, 2 июль. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Олий халқ мажлисининг президиуми фармон чиқариб, Қурия халқ-демократик республикаси Қаҳрамони унвони белгиланди. Бу унвонни олишга сазовор бўлган кишиларга биринчи даража Давлат Байроғи ордени ва олтин медаль, шунингдек Қурия халқ-демократик республикаси Олий халқ мажлиси президиумининг ташаккур ёрлиғи топширилади.

Индонезия Қўшма Штатлари бош министрининг баёноти

ГААГА, 1 июль. (ТАСС). АНП агентлиги хабар беради: 30 июньда Жакартада Индонезия Қўшма Штатлари бош министри Муҳаммад Хатта яна баёнот бериб, Индонезия Қуриядаги воқиаларга аралашишни қувватламайди, деди.

Америка авиациясининг Қуриядаги талафоти тўғрисида Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабари

НЬЮ-ЙОРК, 1 июль. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Токиодаги мухбири билдиради: Америка ҳаво кучлари ахборотида айтилишича, Қуриядa уруш ҳаракатлари бошлангандан буён Америка авиациясининг 12 аэроплани яксон қилинган.

НЬЮ-ЙОРК, 1 июль. (ТАСС). Америка Қўшма Штатлари мудофаа министрлигининг вакили бундай деди: Қуриядa сўнгги 24 соат ичида бўлиб ўтган ҳаво жанглари натижасида Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий кучлари, «Ф—80» типидаги иккита реактив қиручи аэроплан ва «В—26» типидаги 1 бомбардимончи аэроплан йўқотдилар.

Миср ташқи ишлар министри Салоҳиддинбей баёноти

ЛОНДОН, 1 июль. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Қоҳирадан хабар беради: Миср ташқи ишлар министри Муҳаммад Салоҳиддинбей 1 июльда «Алмисрий» газетасининг мухбирига айтганки, Миср ҳукуматининг фикрича, Жанубий Қурия қўшинларига ёрдам учун юборилаётган кишилар, қурол-аслаҳа ва ҳарбий анжомларнинг Миср территорияси, Миср сувлари ва Миср доирасидаги ҳаво орқали ўтказилиши Мисрнинг бетарафлигини бузган бўлур эди. Бу тўғрида расмий равишда э'лон қилинган.

Миср бош министри Нахос пошшо баёноти

ЛОНДОН, 30 июнь. (ТАСС). Лондон радио станцияси эшитдирган хабарга қараганда, Миср Хавфсизлик Совети а'золарининг Ли Син Ман тўдасига ёрдам бериш тўғрисидаги резолюциясини қуватламасликка қарор қилган. Лондон радио станциясининг билдиришича, бугун кечқурун бош министр Нахос пошшо буни э'лон қилган.

Қурия халқ-демократик республикаси ташқи ишлар министри Пак Хен Ен баёноти

ПХЕНЬЯН, 2 июль. (ТАСС). 1 июль соат 23 да Қурия халқ-демократик республикаси ташқи ишлар министри Пак Хен Еннинг қуйидаги баёноти радио орқали эшитдирилди:

27 июньда Америка Қўшма Штатлари президенти Трумэн Қўшма Штатларнинг авиация ва денгиз қучларига америка империалистлари кўрсатмаси блан мамлакатимизда ўзаро қиргинчилик уруши бошлаган Жанубий Қурия қўғирчоқ усул идораси томонида туриб Қуриядаги уруш ҳаракатларига аралашиш ҳақида буйруқ берганлигини айтди. 30 июньда Трумэн Жанубий Қурияга қуруқликда ҳаракат қиладиган америка қўшинлари юборилганлигини э'лон қилди. Америка аэропланлари Пхеньянга ва Шимолий Қуриядаги бошқа жойларга, шунингдек Жанубий Қурияниг озод қилинган шаҳарларига ҳужум қилиб, тинч аҳолимизни босқинчиларча бомбардимон қилмоқдалар, жануб томонга қолибона ҳужум қилаётган қўшинларимизга ҳалақит бериш мақсадида Халқ армияси қисмларига ҳужум этмоқдалар. Шундай қилиб, америка империалистларининг қурия халқини асоратга солишга ва Қурияни мустамлакага айлантиришга қаратилган сиёсати ҳозир Қурия халқ-демократик республикасига қарши очиқдан-очиқ қуролли интервенцияга айланиб кетди.

Америка империалистлари аллақачонлардан буён Узоқ Шарқда ўз ҳукмронликларини ўрнатиш тўғрисида ҳаёл суриб келмоқдалар. Аммо илгари америка империалистлари Англия, Япония ва бошқа давлатларнинг империалистик манфаатларини э'тиборга олишга ва Узоқ Шарқдаги мавқи'ларини ана шу давлатлар блан келишиб, Осиё халқларини асоратга солиш йўли блан кенгайтиришга мажбур этдилар. Қурия халқи шу фактни ҳеч унутмайдики, Қўшма Штатлар Филиппинда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1905 йилда Япония блан ҳоинларча тил бириктирган ва Қурия устидан Япония протекторатини ўрнатишга ёрдам берган эди. Японияни тор-мор келтирган ва Англияни заифлатган иккинчи жаҳон урушидан кейин америка империалистлари Узоқ Шарқда бу мамлакатларнинг ўрнини эгаллашга қарор бердилар, Тинч океанни америка денгизига айлантиришга, Тинч океан мамлакатларининг халқларини эса америка монополияларининг қули қилишга урунмоқдалар. Аммо демократик лагерь кучларининг мустаҳкамланиши, Осиё мамлакатларида миллий-озодлик ҳаракатининг кучайиши, айниқса хитой халқининг буюк ғалабаси америка империалистларининг қора ниятларини чиппакка чиқарди.

Қурия халқи америка империалистлари юргизган мустамлакачилик сиёсатининг оғирлигини ўз гарданида синаб кўрди. Қурия халқи манфур япон зулмидан қутилиши блан яна асоратга тушиш хавфи олдида қолди. Америка империалистлари Жанубий Қурияни ўз қўлларида сақлаб қолишга интилиб, Қурия халқининг бирлашувига ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатиб келдилар. СССР, Америка Қўшма Штатлари ва Англия ташқи ишлар министрларининг Москвада чиқарган қарорига мувофиқ Қуриядa бирлашган демократик ҳукумат тузилиши керак эди, америка империалистлари бунга йўл қўймадилар. Улар ўзлари тузган қўғирчоқ Ли Син Ман ҳукумати ёрдами блан Жанубий Қурияни ўз мустамлакаларига айлантирмагунча Қуриядан ўз қўшинларини олиб кетишдан бош тортдилар. Эндиликда ҳарбир қуриялига америка қўшинлари олиб кетилгандан кейин ҳам Жанубий Қурияни америка империалистлари идора қилганлиги аёндир. Жанубий Қурияда ўзлари ўрнатган ҳарбий-сиёсий усул идоранинг жиноятлари учун, америкаларга хўжайинларнинг буйруғи блан Ли Син Ман тўдаси томонидан қурия халқининг ўнмингларча фарзандлари отиб ташланганлиги ва ўлдирилганлиги учун, тюрьмаларда азоб чеккан ва ёиртқичларча қийналган юз мингларча ватанпарварларнинг жабр-жафо чекканлиги учун, Жанубий Қурия халқининг ҳамма азоб-уқубатлари учун Ли Син Мач тўдаси блан бирга америка империалистлари ҳам тўла жавобгардирлар. Америка империалистларининг қўли қурия халқининг қонига белангандир.

Ли Син Ман «ҳукумати» Қўшма Штатлар ёрдами блан икки йил давомида шимолга қарши ҳужум тайёрлаб келди, Жанубий Қурия армияси бир кун ичидаёқ Пхеньянни ва Вонсанни ишғол қилади, бу армия фақат буйрук берилишини кутиб турипти, деб мақтаниб келди. Ли Син Ман ҳукумати Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий ёрдамига ишониб, америкали хўжайинларининг буйруғи блан 25 июньда Қуриядa ўзаро қиргинчилик урушини бошлади. Америка империалистлари бундай урушни бошлатиб, қуролли интервенция йўли блан Қурия халқ-демократик республикасини йўқатмоқчи ва бутун Қурияни ўз қўлларига олмоқчи бўлдилар. Қуриядаги ўзаро қиргинчилик уруши америка империалистларига Шарқ халқларининг миллий-озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида Хитой ва Вьетнамга қарши агрессия бошлаш учун баҳона сифатида ҳам керак эди.

Қўшма Штатлар Қуриядаги интервенциларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номи блан ниқоблашга урунмоқда. Лекин ҳаммага ма'лумки, Америка империалистлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотини сра ҳам менсимай қуролли интервенция бошлаганлар, бу блан улар Америка Қўшма Штатларига қарам мамлакатларнинг овози ёрдами блан ҳарқандай ғайри қонуний ҳаракатни ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номи блан ниқоблаш мумкин бўлади деб ўйладилар. Хавфсизлик Советининг америкалилар зўри блан қабул этилган, бирёқлама ахборотга асосланган резолюцияси ғайри қонуний бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига хилофдир, чунки бу резолюция Қурия халқ-демократик республикаси вакиллари иштирокисиз, шунингдек Хавфсизлик Советининг доимий а'зоси бўлган иккита буюк давлат — СССР ва Хитой Халқ Республикаси вакиллари иштирокисиз қабул қилинди. Хавфсизлик Советининг бу резолюцияни ёқлаб овоз берган а'золари халқларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари блан ҳисоблашмай, америка тақдим этган ҳарбир ҳужжатга қўл қўйишга тайёр эканликларини яна бир марта кўрсатдилар.

Америка империалистлари ва уларнинг жанубий қурияли малайлари Қуриядa ўзаро қиргинчилик урушини бошлаб, жуда янглишдилар. Ли Син Ман қўшинлари қаттиқ зарбага учрадилар, қарши ҳужумга ўтган Халқ армиясининг зарбалари остида тартибсиз равишда жануб томонга қочмоқдалар. Шавкатли Халқ армияси қурия халқининг озодлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилиб, душманни қувиб бормоқда. Уруш ҳаракатлари бошлангандан буён ўтган бир ҳафта ичида Халқ армияси республиканинг жанубий қисмида талай ерни душмандан тозалади, мамлакатнинг пойтахти Сеул шаҳрини озод қилди. Ҳамма ерда халқ, Ли Син Ман усул идораси даҳшатларидан озод қилган ўз армиясини табрикламоқда ва унга мамлакатни озод қилишда актив ёрдам бермоқда. Жанубий Қурияниг қаҳрамон партизанлари душманнинг алоқа йўлларида жанг ҳаракатларини бошлаб юборидилар. Улар Пусан портидан мамлакат ичкарисига борадиган асосий темир йўл магистралини узиб қўйдилар, кўзғолон кўтарган аҳоли блан бирга ҳаракат қилиб, Жанубий Қуриядa бирканча шаҳарларни озод қилдилар. Ли Син Ман армиясининг қочиб кетиши ва унинг орқа томонида халқ кўзғолонлари бошланиши Америка Қўшма Штатлари қўғирчоғи бўлган Ли Син Ман усул идорасининг, я'ни халққа қарши усул идорининг чириганлигини ва ҳалокатга маҳкумлигини яна бир марта аққол кўрсатади. Ли Син Ман усул идорасининг тамомила шарманда бўлганлиги шу кунларда ҳаммага аён бўлиб қолди. Америка империалистлари Қурияни мустамлакага айлантириш ҳақидаги планлари барбод бўлганлигини кўриб, қурия халқига қарши қуролли интервенцияни қайтармоқдалар. Улар озод Қурияни мамлакат ватанпарварларининг қонига ғарқ қилишни истайдилар. Лекин улар ҳурриятпарвар қурия халқини ўчитаолмайдилар.

Қурия халқи Қўшма Штатларнинг сурбетларча қилган агрессиясига жавобан Қурия халқ-демократик республикаси байроғи остида янада мустаҳкам жиплашиб, мамлакатнинг озодлиги, бирлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган муқаддас курашини янада кучайтиради. Қурия халқ-демократик республикаси ҳукумати ва бутун қурия халқи Қурия шаҳарлари ва қишлоқларининг ҳаҳшийларча бомбардимон қилинишига қарши, тинч аҳолининг шафқатсиз ўлдирилишига қарши қат'ий норозилик билдирадилар. Биз ишонамизки, дун'ёдаги барча софдил кишилар америка империалистларининг ҳурриятпарвар қурия халқига қарши бошлаган агрессиясини ғазаб блан қоралайди. Биз ҳаққоний ишимизни барча халқлар чин қалбларидан қувватлайдилар деб ишонамиз.

Иқтисодий масалалар юзасидан тузилган Польша Ҳукумат делегацияси Москвадан жўнаб кетди

Польша Республикасининг иқтисодий масалалар юзасидан тузилган ва Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Г. Минс жаноблари, Ташқи Савдо Министри Т. Гедэ жаноблари ва бошқа расмий кишилардан иборат Ҳукумат делегацияси 1 июльда Москвадан жўнаб кетди.

Белорус вокзалида Делегацияни СССР Ташқи Савдо Министри М. А. Меньшиков, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари А. И. Лаврентьев, СССР Ташқи Савдо Министрининг Ўринбосари М. Г. Лошаков, СССР нинг Польшадаги Савдо Вакили Е. И. Бабарин, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг мас'ул ходимлари С. П. Кирсанов, Ф. Ф. Молочков, СССР Ташқи Савдо Министрлигининг мас'ул ходимлари А. А. Павлов, И. Г. Писарец, Н. И. Кузьминский кузатиб қолдилар.

Делегацияни Муваққат Ишлар Вакили Г. Я. Замбрович жаноблари бошчилигида Москвадаги Польша элчихонасининг ходимлари ҳамда Москвадаги бирқанча элчихона ва миссияларнинг бошлиқлари ҳам кузатиб қолдилар.

Вокзал Польша ва Совет байроқлари блан безатилган эди. (ТАСС).

Чехословакия коммунистлар партияси Марказий Комитетининг президиуми партия а'золарини текшириш тўғрисида қарор қабул қилди

ПРАГА, 3 июль. (ТАСС). Чехословакия коммунистлар партияси Марказий Комитетининг президиуми партия билетларини алмаштириш ҳамда Чехословакия коммунистлар партиясининг барча а'золари ва кандидатларини текшириш тўғрисида қарор қабул қилди.

ХИТОЙ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯНИ ТОЗАЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ

ПЕКИН, 3 июль. (ТАСС). Хитой Коммунистлар партиясининг Марказий Комитети партия сафларини тозалаш, даставвал раҳбар ходимлар ўртасида тозалаш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарор халқ революциясининг порлоқ ғалабаларини мустаҳкамлаш, коммунистларнинг ишини янада яхшилаш ва шу блан мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини яхшилашдек ғоят катта вазифани муваффақиятли ҳал этиш мақсадида қабул қилинди.

Хитой компартияси Марказий Комитетининг тозалаш ҳақидаги директивида бундай дейилади: «Партиядаги янги а'золарнинг кўпчилиги мафкуравий жиҳатдан беқарорлик ва интизомсизлик кўрсатмоқда. Бу а'золар тегишли та'лим кўрганлари йўқ. Партиянинг кўпгина кекса а'золари ва ҳатто кекса раҳбар ходимлар ўртасида кибирланиш ва мағрурланиш кайфиятлари сезилмоқда».

Директивда «тозалаш вақтида асосий принцип — танланган муайян статьяларни ўрганишдан ва танқид ҳамда ўз-ўзини танқидни кучайтиришдан иборат бўлади» дейилади.

ФРАНЦИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ЯНГИ СОСТАВИ

ПАРИЖ, 2 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: Франциядаги янги ҳукумат қуйидаги составда тузилди: министрлар совети раиси ва ички ишлар министри Анри Кэй (радикал-социалист); министрлар совети раисининг ўринбосари Жорж Бидо (МРП); бирлашган давлатлар блан алоқа ва Узоқ Шарқ масалалари блан шуғулланучи лавозимсиз министр Поль Рейно («мустақил республикачи»); информация масалалари блан шуғулланучи лавозимсиз министр Жан Летурно (МРП); давлат аппарати ва ма'мурий ислоҳот масалалари блан шуғулланучи лавозимсиз министр Поль Жакоби (радикал-социалист); адлия министри Рене Мейер (радикал-социалист); ташқи ишлар министри Робер Шуман (МРП); милли мудофаа министри Рене Плевен (ЮДСР); молия ва экономика министри Морис Петш (партиясиз); бюджет министри Эдгар Фор (радикал-социалист); маориф министри Андре Морис (радикал-социалист); жамоат ишлари ва транспорт министри Морис Буржес-Монури (радикал-социалист); саноат ва савдо министри Жан-Мари Лувель (МРП); денгизнинг нариги томонидаги территория масалалари блан шуғулланучи министр Поль Кост-Флорэ (МРП); меҳнат ва ижтимоий та'минот министри Поль Бакон (МРП); қайта қуриш ва шаҳар қурилиши министри Эжен Клодиус-Пети (ЮДСР); собиқ фронтчилар ва уруш қурбонлари масалалари блан шуғулланучи министр Луи Жакино («мустақилчи»); соғлиқни сақлаш ва нуфус министри Пьер Шнейтер (МРП); почта, телеграф ва телефон министри Шарль Брюн («Сўл республикачилар бирлашмаси»); савдо флоти министри Лионель де Тэнги дю Пуэ (МРП).

АМЕРИКАЛИЛАР ТУРК ОФИЦЕРЛАРИДАН ЖОСУСЛАР ВА ҚЎПОРУЧИЛАР ТАЙЁРЛАМОҚДАЛАР

БАЙРУТ, 1 июль. (ТАСС). Суриядa чиқадиган «Телеграф» газетаси хабар беради: «Анқарадаги ишончли манба'лардан олинган ма'лумотларга кўра, Туркия ҳукумати америкаликларнинг таклифига биноан Ғарбий Германиядаги Филесек ва Фрейзингдаги америка авиация ва бронетанк мактабларига турк армияси офицерларидан 200 киши юборган. Бу мактабларнинг асосан ҳарбий жосуслик соҳасида амалий иш олиб борадиган кишилар тайёрлаб чиқариш блан банд эканлиги ма'лумдир. Бу мактабларда ўқучилар ҳарбий қўпоручилик методларини радио ва фото ишларини ҳамда ажнабий тилларни ўрганадилар. Бу мактабларда гитлерчилар армияси разведка хизматининг офицерлари дарс берадилар. Ҳозирги вақтда бу офицерларга «Иш штаби» деб аталган америка бўлими раҳбарлик қилмоқда.

Мас'ул муҳаррир:
Ҳ. ҒУЛОМОВ.

1948 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН 2% ЛИ ДАВЛАТ ЗАЕМИ 5-НЧИ ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу заёмнинг 5-нчи ютуқлар тиражи 1950 йил 18 июньда Петрозаводск шаҳрида бўлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма 72 разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм блан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм блан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм блан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм блан)
000060	1—50	400	010172	1—50	400	023221	1—50	1 000	036959	1—50	1 000
000100	32*)	10 000	010484	1—50	400	023449	1—50	400	037073	08*)	5 000
000147	1—50	400	010682	1—50	400	023625	1—50	400	037123	1—50	400
000451	1—50	400	010793	1—50	400	024005	1—50	400	037215	1—50	400
000487	45*)	10 000	010830	17*)	25 000	024033	1—50	400	037341	1—50	400
000992	1—50	400	011464	1—50	1 000	024646	08*)	10 000	037596	1—50	400
001128	36*)	10 000	011664	27*)	5 000	024676	1—50	400	037637	25*)	5 000
001159	47*)	5 000	011692	10*)	5 000	024881	10*)	10 000	037845	1—50	400
001258	1—50	400	011720	1—50	400	025526	1—50	400	037902	39*)	5 000
001319	10*)	5 000	011856	41*)	10 000	025741	1—50	400	037903	1—50	400
002192	1—50	400	012437	16*)	25 000	026101	1—50	400	038418	1—50	1 000
002201	1—50	400	012484	1—50	400	026221	1—50	400	038632	1—50	400
002270	1—50	400	012549	1—50	400	026247	1—50	400	038942	08*)	25 000
002301	25*)	5 000	012562	1—50	400	026682	14*)	10 000	039091	1—50	400
002630	45*)	25 000	012760	1—50	400	026964	1—50	400	039183	1—50	400
002745	29*)	10 000	012878	1—50	400	027010	1—50	400	039257	1—50	400
002844	1—50	400	013229	1—50	400	027074	43*)	5 000	039536	1—50	400
002916	05*)	5 000	013373	06*)	5 000	027212	1—50	400	039626	45*)	5 000
002949	40*)	25 000	013542	13*)	25 000	027443	35*)	10 000	039794	49*)	5 000
003077	1—50	400	013556	44*)	5 000	027951	24*)	5 000	040212	1—50	400
003719	22*)	5 000	013583	1—50	400	028029	1—50	400	040396	1—50	400
003730	03*)	10 000	013653	1—50	400	028369	1—50	400	040502	1—50	400
003750	1—50	400	013994	29*)	5 000	028720	33*)	10 000	040754	40*)	5 000
003933	1—50	400	014080	1—50	400	028917	1—50	400	040923	21*)	5 000
004016	1—50	400	014205	1—50	400	028957	1—50	400	041307	49*)	25 000
004184	1—50	400	015128	1—50	1 000	028985	1—50	400	041435	1—50	400
004255	1—50	400	015382	1—50	400	029140	1—50	400	041495	1—50	400
004610	15*)	10 000	015464	1—50	400	029184	28*)	10 000	041721	1—50	1 000
004759	41*)	5 000	015856	1—50	400	029338	1—50	400	041745	1—50	400
005409	06*)	10 000	016111	1—50	400	029837	17*)	5 000	042551	1—50	400
005583	1—50	400	016165	1—50	400	030077	08*)	10 000	043037	1—50	400
005590	1—50	400	016359	40*)	5 000	030319	09*)	5 000	043222	1—50	1 000
006312	1—50	400	016435	1—50	400	030426	16*)	5 000	043479	31*)	5 000
006327	04*)	5 000	016549	15*)	5 000	030472	1—50	400	043649	1—50	400
006492	1—50	400	016614	1—50	400	031492	21*)	10 000	043862	1—50	400
006519	1—50	400	016913	36*)	5 000	031499	1—50	400	044211	50*)	50 000
007025	24*)	5 000	016934	1—50	400	031570	23*)	10 000	044385	50*)	10 000
007112	50*)	10 000	017036	1—50	400	031618	1—50	400	044443	1—50	400
007186	1—50	400	017190	30*)	5 000	031852	20*)	5 000	044929	1—50	400
007208	1—50	400	017750	1—50	400	032186	05*)	5 000	044985	1—50	400
007308	39*)	5 000	017905	1—50	400	032662	1—50	400	045122	1—50	400
007825	1—50	400	018048	1—50	400	032751	1—50	400	045285	1—50	400
007875	1—50	1 000	018289	1—50	400	032891	45*)	5 000	045574	14*)	25 000
007895	1—50	400	018391	1—50	400	032997	25*)	5 000	045687	1—50	400
007956	1—50	400	018509	1—50	400	033482	1—50	400	045689	1—50	400
007963	1—50	400	019070	1—50	400	033487	1—50	400	046584	45*)	10 000
008001	10*)	5 000	019096	1—50	1 000	033568	27*)	5 000	046634	1—50	400
008104	1—50	400	019644	1—50	400	033994	10*)	25 000	046729	19*)	5 000
008142	43*)	5 000	019725	19*)	5 000	034215	37*)	5 000	046920	1—50	400
008467	1—50	400	019739	22*)	10 000	034289	1—50	400	046965	1—50	400
008543	1—50	400	019958	1—50	400	034330	1—50	400	046996	27*)	5 000
008544	1—50	400	019996	1—50	400	034483	12*)	25 000	047156	1—50	400
008852	1—50	400	020197	1—50	400	034770	16*)	10 000	047218	1—50	400
008865	1—50	400	020385	26*)	5 000	034955	1—50	400	047453	1—50	400
008939	1—50	400	020389	1—50	400	035243	1—50	400	047644	1—50	400
009140	1—50	400	020772	1—50	400	035259	1—50	400	047682	1—50	400
009409	1—50	400	021302	1—50	400	035851	1—50	400	047728	1—50	400
009479	04*)	5 000	021596	18*)	5 000	035878	26*)	5 000	048644	1—50	1 000
009632	12*)	10 000	021852	1—50	400	035885	1—50	400	048840	1—50	400
009692	23*)	10 000	022325	1—50	400	036226	1—50	400	048919	16*)	10 000
009696	1—50	400	022349	1—50	400	036506	1—50	400	049244	45*)	5 000
009738	36*)	5 000	022660	1—50	400	036549	17*)	5 000	049512	48*)	5 000
009740	1—50	400	022747	1—50	400	036851	1—50	400	049917	1—50	400
009978	35*)	50 000	023095	1—50	400	036890	1—50	400			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 400 сўмдан ютуқ чиқди.

Ютуқлар тиражини ўтказучи комиссиянинг раиси — Карель-Фин ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Я. С. КРЮЧКОВ.

Ранс ўринбосарлари:

Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити Бош бошқармаси секторининг бошлиғи С. Д. ВОРОНКОВ.

Карель-Фин ССР К(б)П Марказий Комитетининг бўлим мудири А. Д. БОГДАНОВ.

Карель-Фин ССР Молия министри, III ранг молия хизмати Давлат кенгашчиси П. Д. КОТОМИН.

М. Ф. ТЕРЕХИН.

Комиссиянинг мас'ул секретари М. А. СМИРНОВА.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5 июльда **Оққуш кўли** (Лебединое озеро).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 4 июльда премьера **Тўй** (Кето блан Нико). Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз рангдор фильм **Улимга маҳкум этилганлар фитнаси.**

«РОДИНА», «ВАТАН», қишки ва ёзги «ИСКРА», қишки «НАВОИЙ» (кундуз) ва ёзги «НАВОИЙ», «ЎЗБЕКИСТОН», «УДАРНИК» кинотеатрларида — янги бадиий музикали фильм **Фигаронинг тўйи.**

«ШАРҚ» — **Цирк артистлари.**

«ХЕВА» — рангдор фильм **Улимга маҳкум этилганлар фитнаси.**

Врачларнинг малакасини ошириш Ўрта Осиё институти

терапия, хирургия, педиатрия, онкология, акушерлик ва гениколоГия, ю